Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 50 (13.312).
1 МАРТ
1966 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XVII съезди делегатлари диққатига!

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети делегатларга маълум қиладики, Узбекистон Компартиясининг XVII съезди 1966 йил 3 март эрталаб соат 9 да Санъат саройида очилади.

Съезд делегатлари Узбекистон Компартияси Марказий Комитети мажлислар залида 1 ва 2 март кунлари эрталаб соат 11 дан кечқурун 8 гача рўйхатга олинади.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

ҚУТЛОВЛАР

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косыгин Афғонистон Бош министри Муҳаммад Ҳошим Мейвандвал жанобларига телеграмма юбориб, Совет ҳукумати ва шахсан ўз номидан бош министрни, Афғонистон подшо ҳукуматини ва дўст афғон халқини СССР билан Афғонистон ўртасида дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланганлигининг 45 йиллиги билан табриклади.

Афғонистон Бош министри ўз телеграммасида ана шу тарихий шартноманинг юксак аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. У, Афғонистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораверади, деб умид билдирди. (ТАСС).

■

28 февралда Тошкент жамоатчилигининг вакиллари Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстлик шартномаси имзоланган кунининг 45 йиллигига бағишланган кечага тўпландилар.

Шонли юбилей тўғрисида Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов доклад қилди.

Кеча қатнашчилари дўст афғон халқига миллий экономика ва маданиятни ривожлантиришда янги муваффақиятлар тиладилар. Кобулдаги «Афғонистон — СССР» жамиятига табрикнома юборилди. (ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ КЕНГАЙСИН

Беш йилликнинг биринчи йилида Узбекистон қишлоқларида 290 минг квадрат метр уй-жой, 50 минг ўринли мактаб ва болалар муассасалари қурилади. Узбекистон Қишлоқ қурилиши министрлигининг партия-ҳўжалик активи йиғилишида ана шу рақамлар тилга олиб ўтилди.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди. Йиғилишда республика қурилиш министри Х. М. Носиров доклад қилди. Колхоз ва совхозларда чорак миллион квадрат метр уй-жойлар, талайгина янги мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари ва яслилари қурилди. Чорвачилик типовой биноларини фойдаланишга топшириш соҳасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Ремонт устахоналарининг ўнлаб биноларигаллa, минерал ўғит ва заҳарли химикатлар сақланадиган кўпгина омборлар барпо қилинди.

Қишлоқ бинокорлари янги беш йиллик юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасини муҳокама қилиб, капитал маблағлардан самарали фойдаланиш йўлларини белгиладилар. Энг муҳими шуки, суръатни кескин ошириш зарур. Бу йил ишларнинг ҳажми ўтган йилдагига нисбатан қарийб 40 процент ошади. Қишлоқ меҳнаткашлари қишлоқларда чиройли ва барча зарур коммунал қулайликлари бўлган шинам уйлар қуриб беришишни талаб қилмоқдалар. Масалан, Амударё этакларида саккизта ана шундай посёлка қурилмоқда. У ерда шоли етиштирадиган йирик база вужудга келтирилмоқда. Шу йилнинг ўзида Амударё бўйидаги янги совхозларда 25 минг квадрат метр уй-жой, бир неча мактаб, болалар муассасалари, касалхоналар, ҳаммомлар битказилиб, фойдаланишга топшириляши керак. Посёлкалар батамом газлаштирилади, электрлаштирилади, сув билан таъминланади, канализация ва марказдан иситиш йўлга қўйилади. Қишлоқ бинокорларининг индустриал базаси анча мустаҳкамланади.

Йиғилишда Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Марцинюк нутқ сўзлади.

Актив йиғилишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц ўртоқлар қатнашдилар.

Йиғилишда 1966 йил учун социалистик мажбурият қабул қилинди. (ЎзТАГ).

КПСС XXIII съезди шарафига

ДЕҲҚОН БАҲОРИ КЕЛДИ

❁ *Қадрли деҳқонлар! Беш йилликнинг биринчи йили жанговар вазифаларини бажарии учун дала ишларини кучайтирингиз* ❁ **Ерларни экишга барвақт ва сифатли тайёрлангиз** ❁ Тупроқда мумкин қадар кўпроқ нам сақлаб қолиш учун курашингиз ❁ Ҳар қачонгидан кўпроқ маҳаллий ўғит тўплангиз ❁ Барча техникани тез кун ичида тахт қилингиз!

ФИДОКОР ОДАМЛАР

Ҳисобот-сайлов мажлисига йиғилганларнинг қувончи чексиз эди. Кўп йиллардан бери қолоқликдан чиқа олмай, давлатдан қарздор бўлиб келаётган колхоз ўтган йили фойда олди. Йиғилганлар қувончининг боиси ана шу эди.

— Ўтган хўжалик йилида, — деди раис,—колхозимиз аъзолари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашда зўр уюшқоқлик кўрсатдилар. Айниқса пахтачилик кескин ривожланди. Ҳар гектар ердан 31,6 центнердан «оқ олтин» етиштирдик. Бу, 1963 йилдагига қарағанда гектар бошига 14 центнер кўп.

Пахтамиз мўл бўлгани учун даромадимизнинг ҳам баракаси ошди. Агар 1964 йили жами 910 минг сўмдан ошар-ошмас даромад олинган ва колхозчиларга бутун йил бўйи ишлаган меҳнат кунлари учун 400 минг сўмга яқин пул тақсимланган бўлса, ўтган йили жами даромад 1 миллион 368 минг сўмни ташкил этди. Биргина пахтачиликнинг ўзидан 1 миллион 235 минг сўм даромад келди.

Бундай қувончли дамларда яхши ишлаганлар шаънига албатта яхши гаплар айтилади. Ҳисобот-сайлов йиғилишида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Ёқуб Бекчонов, илғор звено бошлиғи Камол Ортиқовлар номи ҳурмат билан тилга олинади.

Илғорлар фақат қарсаклар билангина табрикланмайди. Меҳнатда ўзини кўрсата олганлар қимматбаҳо буюмлар билан ҳам тақдирланди. Илғор бригада ва звено бошлиқлари, механизаторлар Ватанимиз пойтахти Москвага — СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига бориб келдилар.

Бу колхоз кишиларининг камчиликлардан ҳам кўз юммайдиган одати бор. Ахир, колхоз ўтган йили чорва моллар сонини кўпайтириш, давлатга сут, жун, тухум сотиш планларини бажармади-да. Ҳар бир сигирдан атиги 687 килограммдан сут, ҳар бир қўйдан 1,8 килограммдан жун олинди.

Йиғилишда пахтачилик барча бригадаларда ҳам бир хил ривожланмаётгани тилга олинди. Сўзга чиққан нотиқлар бир хил шароитда жойлашганига, ишчи кучи ва техника етарли бўлганига қарамай, кам ҳосил етиштираётган бригада ва звенолар ишини рўй-рост танқид қилдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши колхознинг янги беш йиллик режаларини белгиларди. Одамлар энди янги ҳосил ўйлари билан яшамоқдалар, янги пахта ҳосили, давлатга қўллаб чорва маҳсулотлари етказиб бериш иштиёқида ишламоқдалар. Ерларга яхоб берилмоқда. Далаларга кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқарилаётир. Техникани кўкламга барвақт тахт қилиб қўйиш, чорва молларни қишдан соғлом ва семиз олиб чиқиш учун кураш кун сайин кучайтирилмоқда.

Б. ЮСУПОВ.
Беруний районидаги «Ленинизм» колхози.

Бағдод районидаги «Правда» колхозининг Ленин орденли бригадири Хайриниса Эркабоева «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштиришнинг ажойиб устаси сифатида донг таратган. У яқинда бўлиб ўтган Фарғона область партия конференциясида КПСС XXIII съездига делегат қилиб сайланди. Суратда: Х. Эркабоева ва механизатор И. Йўлчиев ўртоқлар.
Г. Бойко фотоси, (ЎзТАГ).

Кун тартибида.

МЕЛИОРАЦИЯ

Яқинда «Совет Узбекистони» мухбири Т. Назиров суғориш системалари Бухоро область бошқармасининг бошлиғи С. Муродовга мурожаат қилиб, ундан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Ўртоқ Муродов мухбиримизга қуйидагиларни айтди:

— КПСС Марказий Комитетининг тарихий март Пленумидан кейин областимиздаги шўр ва шўрхок ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта силжишлар бўлди. Партия ва ҳукуматимиз ирригация иншоотларини планли ҳамда кенг кўламда амалга оширишга доимий ғамхўрлик қилиб келаётир. Масалан, Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Аму — Бухоро каналининг қуриб битказилиши умумий майдони 122 минг квадрат километрга тенг бўлган Бухоро области далалари ва яйловларининг сувга бўлган эҳтиёжини анча қондиради. Аму — Бухоро канали тўла ишга туширилгач, 90,6 минг гектар майдонда суғориш ишлари яхшиланади. 24 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади. Амударё суви билан жуда кўп ерларнинг шўри ювилади. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлар майдони кенгайиб, ҳосилдорлиги ошади. Областимизнинг Ромитан, Бухоро, Вобкент районларида катта-катта мевазор боғлар, токзорлар барпо этилади. Бундан ташқари, Аму — Бухоро канали Зарафшон дарёси билан туташгач, областимиздаги мавжуд Жилвон, Хайриобод, Зандани, Элач, Гурдуш каналлари ҳамда Шаҳруд суғориш тармоқларида Амударё суви тўлиб оқади. Экинзорлар, боғ-роғларнинг сувга бўлган эҳтиёжини тўла қондиради. Ҳозир ана шу тармоқ суғориш системаларини тозалаш, қўшимча каналлар қазиш, зовурларни яхлитлаш—йириклаштириш ишлари олиб борилаётир.

Савол: Ерларнинг захини қочириш учун нима ишлар қилияпти?

Жавоб: Областимиз шароитида суви юза майдонлар талайгина бор. Ана шу ерларнинг захини қочириш мақсадида зовурлар қазилмоқда. Бу зовур коллекторларнинг умумий узунлиги 1.200 километр. Бободеҳқонларимиз тажрибали ирригаторлар билан ҳамкорликда захкаш зовурларни тозалаш, янги тармоқ зовурлар қазиш ишларини жадал олиб бормоқдалар.

Чунончи, Ромитан, Когон, Бухоро районларидаги колхоз ва совхозларнинг миришкорлари айни кунларда Тўрткўл, Денгизкўл коллекторларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бухоро районидаги «Янги турмуш», Навоий номли, «Правда» колхозларининг деҳқонлари ариқ-зовурларни тозалаш, ерларнинг захини қочириш бўйича анча ибратли ишлар қилиб қўйишди. Мазкур хўжаликларда 47 минг кубометр тупроқ ишлари бажарилди. Район колхозлари территорияларидаги ариқ-зовурларни ремонт қилиш бўйича белгиланган топшириқ бажарилиш арафасида. Бухоро районининг меҳнаткашлари қишки дала ишларини КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа байроғи остида муваффақиятли адо этяптилар. Қоракўл, Когон, Вобкент районларида ҳам мавжуд ариқ-зовурларни тозалаш, янги зах қочириш иншоотлари қуриш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаётир.

Савол: Область хўжаликларида экин майдонларининг кўпи шўрланганлиги туфайли унинг ҳосилдорлигини ошириш бирмунча қийин бўляпти. Яқин йиллар ичида шу соҳада қандай ишлар қилинади?

Жавоб: Бунинг учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган. Областимиз районларида 1966 — 1970 йиллар мобайнида мавжуд коллекторлардан ташқари умумий узунлиги 3.400 километр янги магистрал коллекторлар қазилиб ишга туширилади. Жумладан, Когон ва Бухоро районларида 300 га яқин вертикал дренажлар қазилади. Қоракўл районида бош коллектор қазиш кўзда тутилмоқда. Бош Қоракўл коллекторининг узунлиги 46 километр бўлиб, каттакатта майдонларнинг шўр сувини йиғиб, Шўркўл орқали Амударёга оқизиб юборади. «Параллель» деб аталган умумий узунлиги 55 километрли коллектор Бухоро ва Когон районларидаги шўр сувларни Денгизкўл коллекторига узатади.

Ромитан, Вобкент районларида узунлиги 79 километр келадиган Ғарбий Ромитан, узунлиги 103 километрга мўлжалланган Шимолий коллектор қуриб битказилади. Бу коллекторлар ҳам Шўркўл орқали Амударёга бориб қуйилади. Ана шу коллекторларни қуриб битказиш ва тўла ишга тушириш учун 210 миллион кубометр ҳажмда тупроқ қазиш, 250 минг кубометр темир-бетон ётқизиш ишлари бажарилади. Бунинг учун бир неча миллион сўм давлат маблағи сарфланади. 1966 йилдан бошлаб областимиз колхоз ва совхозларида амалга ошириладиган мелиорация ва ирригация қурилишлари давлат маблағлари ҳисобига бажарилади. Пахтакорларимиз бундан катта манфаат кўрадилар, албатта.

Шу тариқа ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланади. Экинлар ҳосилдорлиги ошади, маҳсулот таннархи арзонлашади. Коммунистик мўл-кўлчилик дастурхонига областимиз деҳқонларининг қўшаётган улуши ҳар қачонгидан ҳам кўпаяди.

Партиямизнинг бўлажак XXIII съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилган Бухоро областининг дала меҳнаткашлари 1966 йил мўл пахта ҳосили учун астойдил курашга бошладилар.

КПСС XXIII съезди делегатлари

ОЛАМ-ОЛАМ ГУЛ

Зарифа ҳар тонг фабрикага кираркан, цехларнинг муаттар иси ҳавода парвоз этаётган гулзор ичига кириб қолгандай ҳис этади ўзини. У ҳам шу гулзорнинг оддий боғбсларидан бири. Зарифани касб танлашга ўз касбини севишга биринчи бўлиб ундаган киши — умр йўлдоши Субҳиддин бўлди...

Бу воқеага роппа-роса ўн йил бўлди. Келинқуёвларнинг тўйдан кейинги дастлабки ойлари соғинч бир туш каби лаззатли, бетакрор ўтар эди. Субҳиддин педагог эди. Кун бўйи ишлаб ҳориб-чарчаб қайтар, Зарифа ҳамма келинларга хос бир севинч билан кутиб оларди уни.

Бир куни Субҳиддин гап орасида сўраб қолди:

— Зарифа, ҳамма орзуларимга етдим, дея оласизми?

— Бўлмаса-чи! — Зарифа мулойим жилмайди. — Ҳамма орзуларим рўёбга чиқди.

— Орзуларингиз майда экан!

Зарифа бундай гапни кутмаган эди. Саросимага тушиб қолди.

— Нима, бахтингизга ўзингиз шубҳа қиляпсизми?

— Йўқ! Мени тушунмадингиз. — Субҳиддин куйиб-ёниб гапирарди. — Ўзингиз ўйланг ахир. Наҳотки Сизнинг менга боғлиқ бўлмаган ўз орзуларингиз, ўз ниятингиз бўлмаса! Мен Сизни ўз орзуларимга шерик қилганимдай, Сиз ҳам мени ўз режаларингизга ошно қилишингиз мумкин-ку ахир...

Зарифа анчадан бери юрагининг бир бурчини хира қилиб ётган тугуннинг учини энди топиб олгандай бўлди. Нима учун Субҳиддин сўз онган мавзуларда у билан баробар суҳбатлаша олмаслигини энди сезди. Қачонлардир, қизалоқлик чоғидаёқ каштачиликка уйгонган ҳавас энди жўш-уриб кетди. Гўё у узоқ вақт чучмал туслар оғушида мудраб келаётган эди-ю, бугун Субҳиддин уйғотиб юборди уни.

Эртасига ушоққина жувон «Шарқ гули» каштачилик фабрикасига кириб келди.

— Тикишни биласизми?

— Йўқ.

— Попопда ишлашни-чи?

— Йўқ. Аммо шу ҳунарни жудаям орзу қиламан.

Нарироқда, оёқ машинада иш тикиб ўтирган аёл бир зум тикилиб турди-да, машинани тўхтатиб Зарифанинг ёнига келди.

— Қўяверинг ўзим ўргатаман сизга...

Устози Раҳима Қосимова ҳам Зарифа билан тенгдош экан. Тез орада сирдош дугона бўлиб олишди. Энди куёв-келин ўртасидаги хира бир парда кўтарилган, Зарифа ўз иши, коллективи, дугонаси Раҳима ҳақида Субҳиддинга очилиб-ёзилиб гапириб берар, тиниқ бир мамнуният бор эди кўзларида.

Раҳима сўзининг устидан чиқди. Шогирди шу орада ўзи билан мусобақалашаётган, ҳатто ўзиб ҳам кетадиган бўлиб қолди. Зарифа дид билан, ҳис билан ишлар, тиккан сўзаналари алланечук гўзал, жозибали чиқарди. Энди унинг ҳам ўз орзулари, ўз маслаги бор эди.

... Меҳнатсевар, меҳрибон аёл, софдил коммунист Зарифа дугоналари орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Уни фабрика хотин-қизлар советининг раиси қилиб сайлашди. У табиатан дилкаш, ҳушчақчақ бўлгани учунми, ҳар бир қиз-жувоннинг қалбига осонгина йўл топар, сирдош бўлиб кетаверарди. Аммо хотин-қизлар советининг раиси бўлганидан кейин биринчи муаммони ҳал қилишда қаттиқ изтиробга тушди.

Нарироқда, оёқ машинада иш тикиб ўтирган аёл бир зум тикилиб турди-да, машинани тўхтатиб Зарифанинг ёнига келди.

— Қўяверинг ўзим ўргатаман сизга...

Устози Раҳима Қосимова ҳам Зарифа билан тенгдош экан. Тез орада сирдош дугона бўлиб олишди. Энди куёв-келин ўртасидаги хира бир парда кўтарилган, Зарифа ўз иши, коллективи, дугонаси Раҳима ҳақида Субҳиддинга очилиб-ёзилиб гапириб берар, тиниқ бир мамнуният бор эди кўзларида.

Раҳима сўзининг устидан чиқди. Шогирди шу орада ўзи билан мусобақалашаётган, ҳатто ўзиб ҳам кетадиган бўлиб қолди. Зарифа дид билан, ҳис билан ишлар, тиккан сўзаналари алланечук гўзал, жозибали чиқарди. Энди унинг ҳам ўз орзулари, ўз маслаги бор эди.

... Меҳнатсевар, меҳрибон аёл, софдил коммунист Зарифа дугоналари орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Уни фабрика хотин-қизлар советининг раиси қилиб сайлашди. У табиатан дилкаш, ҳушчақчақ бўлгани учунми, ҳар бир қиз-жувоннинг қалбига осонгина йўл топар, сирдош бўлиб кетаверарди. Аммо хотин-қизлар советининг раиси бўлганидан кейин биринчи муаммони ҳал қилишда қаттиқ изтиробга тушди.

Раҳима уч боласи билан эридан ажрашаётган бўлди. Бу ўша Зарифанинг биринчи устози, қадрдон дугонаси эди. Зарифа бу онлани дурустгина билар, дугонаси мушкул аҳволда қолганини ҳис этиб, юраги эзиларди. Аммо бир муаммо кийнарди: унинг маслаҳатлари Раҳимага насиҳатгўйликдай туюлса-чи? «Кечагина қўлимда ҳунар ўрганган эдинг. Бугун ақл ўргатяпсанми» десачи?

Йўқ, Раҳима ундай демади. Орадан икки-уч ой ўтди. Зарифа хотин-қизлар советининг бошқа аъзолари билан тўпланиб, Раҳиманинг турмуш ўртоғи билан суҳбатлашди. Болаларнинг келажагини тўғри йўлга солиш, уларнинг одамларга ишончини йўқотмаслик учун шундай қилиш керак эди.

Издан чиқиб кетай деб турган онла ҳаётни янги йўлга солинди. Бир қарашда аҳамиятсиздай кўринган бу воқеада бир эмас, беш одамнинг тақдири ётар эди. Раҳима ҳозирги ҳаётидан қанчалик қувонса, Зарифа ҳам шундай суюнади.

Ўзгаларнинг бахтига суюниб, ғамига куюниш... Бу ҳислат ҳаммада ҳам топилавермайди. Қалби кенг, парвози юксак одамларгина шундай бўлади. Чевар ишчи Зарифа шогирдлари Муборак Назарова, Саодат Умархўжаевалларга ҳам ҳунар билан бир қаторда опа сифатида гўзал қалб ҳам тақдим этади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам фабриканинг илғор попопчилари — Доно Ёқубова, Сапура Пўлатова, Райҳон Тўраевалар ўз ҳамкасблари Зарифа Ҳакимжоновани чин қалбдан ардоқлашар. Эҳтимол, шунинг учун ҳам уни партия XXIII съездига делегат қилиб кўрсатишгандир.

Зарифа дугоналарининг ҳурматини талаб олгани йўқ. Уларнинг юрагига ўз қалбининг ҳароратн билан йўл топди. Ўшбу кўклам тонгида у севимли фабрикасига кириб бораркан, шода-шода гуллар орасида кўради ўзини.

У. ҲОШИМОВ,
Тошкентдаги «Шарқ гули» бадиий каштачилик фабрикаси.

КПСС XXIII съездининг беш йиллик план бўйича Директивалари лойиҳаси муҳокамада

СУҒОРИШДА ПЛАНЛАШТИРИШ

Суғориладиган ерларнинг шўр ва захини тугатиш, сув камчил системаларни сув билан таъминлашни ошириш ишлари қизитиб юборилсин. Беш йиллик план юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида бу сўзларни ўқир эканмиз, шу муносабат билан баъзи фикрларни баён қилиб, ўз таклифларимизни билдирмоқчимиз.

Амударё этакларида деҳқончилик қилиш тажрибасидан шу нарса маълумки, воҳада ердан самарали фойдаланишнинг икки муҳим шарти бор. Бу шартлар дарёдан керакли миқдорда сув олиш, айни вақтда зах сувларни кочиришдан иборатдир.

Маълумки, шўр ювиш ва вегетация даврида сув етишмай қолганлиги, шунингдек, тупроқни шўр босганлиги ҳосилга жиддий зарар етказиб келди. Бу қишлоқ хўжалигида юз берган қолоқликнинг асосий сабабларидан бири бўлди.

Кейинги йилларда ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришга катта эътибор берила бошлади. Янги канал ва гидроиншоотлар қурилди, йирик коллекторлар ва зовурлар қазилди, мавжуд суғориш системалари реконструкция қилинди. Бу тадбирлар пахта ҳамда бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишда шубҳасиз муҳим роль ўйнайди.

Лекин воҳада сув проблемаси ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш вазифаси ҳозир ҳам узил-кесил ҳал этилгани йўқ. Тўғри, Туямўйин гидроузели қурилиши юзасидан қилинган ишлар тамомланди, лойиҳа тайёр бўлянти. Бунинг маъноси шуки, дарёнинг тор жойида тўғон қурилиб, Ўрта Осиёда энг йирик сув омбори барпо этилади. Жанубий Хоразм канали қурилиб, шу магистрал канал бутун Хоразмни Туркманистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг бир группа районларини сув билан тўла таъминлайди.

Бу — келажакнинг режаси. Гидроузеллар қурилишига 1969 йилда киришиш кўзда тутилмоқда. Жанубий Хоразм каналининг 18 километрли қисмини қуриш бошланди. Бу, вақтинча Тошсоқа каналига қўшимча сув бериш вазифасини ўтаб туради.

Савол туғилади: Туямўйин гидроузели қурилиши 1969 йилда бошланса ва шундан кейин 5-6 йил ичида қуриб битказилса, яқин бир неча йил давомида деҳқончиликни сув билан қандай қилиб етарли таъминлаб бўлади. Биз ирригаторлар ана шу масала устида бош қотирмоқдамиз.

Даставвал шуни айтиш керакки, Туямўйин гидроузели қурилишини 1969 йилда эмас, балки барвақтроқ бошлашни планлаштириш зарур бўлиб қолди. Жанубий Хоразм каналининг Тошсоқага қуйиладиган 18 километрли қисмини эса энг қисқа муддатда қуриб битказишни шароит тақозо қилмоқда. Чунки Амударёнинг юқори қисмида янги каналлар ва сув омборлари барпо этилганлиги унинг қуйи қисмида сувни анча камайтирди. Айниқса шу кунларда шўр ювиш учун сув етишмаяпти. Демак, Жанубий Хоразм каналини тезроқ қуриб битказиш керак.

Шу кеча-кундузда қилинадиган ишлардан гапирсак, Жанубий Хоразм каналининг биринчи навбатини, яъни 18 километрли қисмини қуришни бутун чоралар билан тезлатиш лозим. Бу қурилишга лойиҳа бўйича 11 миллион сўм сарфланади. 1966 йил планига мувофиқ бу йил 1,5 миллион сўмлик ишни бажариш кўзда тутилди. Биз ўйлаймизки, **планни қайта кўриб чиқиш, бу йил камида 5 миллион сўмлик маблағ ажратиш асосида қурилишни жадаллаштириш зарур.**

Суғориш системаларида сув кўпайиши муносабати билан катта ҳажмда мелиорация тадбирларини амалга ошириш талаб этилади. 1940 йилларнинг аччиқ сабоғи эсимиздан чиққани йўқ. Ўша вақтда Тошсоқа канали қазилиб, сув кўпайтирилди. Лекин коллекторлар, зовур тармоқлари ўз вақтида тахт қилинмади. Натижада ер ости сувлари кўтарилиб, ерлар шўрлаб қолди, ҳосилдорлик пасайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, Каттақўл магистрал коллектори ички шохобчаларини реконструкция қилиш, Овулқул коллектори ва бошқа коллектор-зовур тармоқларини қуриш, кенгайтириш ишларини сира кечиктириш мумкин эмас. Сувни кўпайтириш ва ернинг захини тугатиш тадбирларини бир-бирига боғлаб олиб бориш керак. **Республика министрликлари, планлаштириш органлари областлар эҳтиёжини чуқурроқ ўрганиб, объектив шароит билан ҳисоблашиб иш кўришларини истар эдик.**

Биз айтган тадбирларга катта маблағ сарфлаш талаб этилишини тушунамиз. Лекин суғориладиган деҳқончиликка сарфланган харажат тезда мўл-ҳосил эвазига қопланади. Мана конкрет мисол: **Етти йиллик мобайнида Хоразмда мелиорация тадбирларига 46,5 миллион сўм сарф қилинди. Ана шу давр ичида пландан ташқари харид нархларида 120 миллион сўмлик миқдорда пахта етиштирилди. Муболағасиз айтиш мумкинки, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланганлиги ҳосилдорликни оширишда ҳал этувчи омиллардан бири бўлди.**

Беш йиллик план Директивалари лойиҳасини қизғин маъқуллаб, планда бизнинг таклифларимиз ҳам эътиборга олинишига ишонамиз.

И. ДУХНО,
Суғориш системалари Хоразм область бошқармасининг бош инженери,

Ю. ШЕРЖОНОВ,
«Питнак» қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи.

МЕҲНАТКАШЛАР ДАСТУРХОНИГА

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати бугунги кунда меҳнаткашлар дастурхонига юзларча хил маҳсулот — нон-булкалар ва макаронлардан тортиб мева-сабзавот консервалари ва плиткали шоколадларга қадар етказиб бермоқда. Бу саноат ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ҳажми етти йил мобайнида 64 процент кўпайди.

Саноатнинг шу тармоғига қарашли корхоналар ходимларининг 26 февралда Тошкентда бўлиб ўтган кенгаши 75 минг кишилик озиқ-овқатчилар армиясининг ишлари ва режаларига бағишланди. Кенгаш ишида қардош республикалар — Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистондан келган меҳмонлар иштирок этдилар.

1965 йилги ишларнинг якунлари ва янги беш йилликнинг биринчи йилидаги вазифалар тўғрисида республика озиқ-овқат саноати министри А. А. Хўжаев доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари мавжуд резервларни кўрсатиб ўтдилар ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг ишини яхшилашнинг конкрет йўлларини белгиладилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов, СССР озиқ-овқат саноати министрининг ўринбосари А. И. Белозеров ўртоқлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

1966 йил учун социалистик мажбурият қабул қилинди ва Белоруссия озиқ-овқатчилари социалистик мусобақага чақирилди. (ЎзТАГ).

КПССнинг XXIII съезди шарафига муносиб туҳфа тайёрлаш учун авж олиб кетган мусобақада меҳнат аҳлининг ҳаммаси иштирок этмоқда. Ишчилар, инженерлар колхозчи ва совхоз ишчилари бу катта маросимга муносиб совғалар тайёрламоқдалар. Тошкентдаги кўн-галантерея фабрикасн ишчилари ҳам бу мусобақада актив иштирок этмоқдалар. Суратда: смена топшириқларини 115-120 процент қилиб бажараётган илғор ишчи Р. Азизовани кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

ЮКСАЛИШ РЕЖАСИ

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директиваларининг лойиҳаси» тўғрисида қабул қилган қарори мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари каби Гулистон районн меҳнаткашларининг ҳам қувончига қувонч қўшди. Гулистонликлар шу беш йилликнинг биринчи йилида давлатга 61 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишди. Айни вақтда район хўжаликлари деҳқонлари пахтаоролликлар ташаббусига қўшилиб қишки тадбирларни изчиллик билан амалга ошираётирлар. Улар ер текислаш, маҳаллий ўғит тўплаш, минерал ўғитларни ташиб келтириш, ариқ-зовурларни тозалаш, техникани кўкламга ҳозирлаш каби ишларни жадал давом эттираётирлар. Шу кунгача 48 минг тоннага яқин маҳаллий ўғит тайёрланди ва далаларга ташиб чиқарилди. 5664 гектар пахта майдони текисланди. Ирригация шохобчаларини тозалаш тугалланди.

Район хўжаликлари фидокорлари пахтаоролликлар ташаббусига қўшилиб, меҳнат қилаётирлар. Ўртоқ Раимберди Жумаев раислик қилаётган Карл Маркс номли колхоз меҳнаткашлари кўп даромад олиш, турли харажатларни камайтириш, маблағларни тежаб-тергаб сарфлаш, шу асосда хўжалик экономикасини юксалтириш тадбирларини белгиладилар.

Колхозда пахта етиштиришга кетадиган харажатларни камайтириб, шунинг ҳисобига 78 минг 516 сўмни тежаб қолиш кўзда тутилаётир. Қишлоқ хўжалик машиналари, техника яровини тартибга солиш, шу ҳисобдан 5 минг сўм иқтисод қилиш мўлжалланмоқда.

«Ўзбекистон» колхози аъзоларининг яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилиши ҳам пахтаоролликлар ташаббусини муҳокама қилишга бағишланди. Йиғилишда сўзга чиққан беш пахтакор ўртоқ Соримирза Бимирзаев минерал ўғитлардан фойдаланиш масаласига тўхталиб, бу соҳада хўжаликда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани, ортиқча маблағлар сарфланаётгани, даромад ортиши ўрнига камайиб кетаётганини айтди. У, камроқ азотли ўғит сарфлаган ҳолда кўпроқ ҳосил етиштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлади. Бошқа колхозчилар электр энергиясидан, транспорт воситаларидан ўринли фойдаланиш, командировка харажатларини камайтириш ҳақида гапирдилар.

Райондаги «Красная заря», «Ленинград», Фрунзе номли, Крупская номли, Навоий номли колхозлар ва «Гулистон», «Социализм» совхозлари пахтакорлари ҳам пахтаоролликлар ташаббусига бажонидил қўшилганликларини билдирдилар.

Т. РЎЗИБОЕВ.

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ — БЕШ ЙИЛЛИК ХИЗМАТИГА

Ўзбекистон «оқ олтин» ўлкасигина бўлиб қолмай, эндиликда у зангори ёқилғи ўлкаси, кимиё ва рангли металлургиянинг улкан хом ашё базаси, Совет Иттифоқининг валюта хазинаси ҳамдир. Бунга эришишда ўзига хос касб эгалари — геолог-разведкачиларнинг ҳиссаси каттадир. Ўзбекистон Геология министрлиги партия-хўжалик активининг 26 февралда Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши геолог-разведкачилар ўтган йилги меҳнатининг якунлари ва беш йиллигининг биринчи йили вазифаларига бағишланди.

Йиғилишда республика геология министри Х. Т. Тўлаганов доклад қилди.

Музокараларда сўзга чиққан геолог-разведкачилар партия XXIII съезди Директиваларида ўз олдиларига янги аниқ белгиланган ишлар программаси белгилаб берилганлигини эўр мамнуният билан қайд қилдилар. Янги беш йиллида Ўзбекистонда ер ости бойликларини қидириш учун ўтган беш йилдагига қараганда икки баравар кўп маблағ сарфланади.

Йиғилишда СССР геология министрининг ўринбосари М. А. Евсеенко, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Ҳўжаев нутқ сўзладилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС XXIII съезди шарафига ўз зиммаларига янги мажбуриятлар олиб, Украина ва Тожикистон разведкачиларини социалистик мусобақага чақирдилар. (ЎзТАГ).

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг февраль сони «Ўзбекистон партия ташкилоти ҳаётида муҳим воқеа» сарлавҳали бош мақола билан очилади.

Журналхонлар бу сонда «Экономика, ишлаб чиқариш, меҳнат» рубрикаси остида иқтисод фанлари кандидати И. Блиндернинг «Социализмнинг иқтисодий қонунлари ва улардан коммунистик қурилиш практикасида фойдаланиш», Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Н. Матчоновнинг «Ирригация — суғориладиган деҳқончиликнинг асоси», Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг ўринбосари Г. Файрушиннинг «Сермаҳсул чорвачиликни тинмай ривожлантирайлик» сарлавҳали мақолаларини ўқишлари мумкин.

«Партия турмуши» бўлимида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари С. Расулевнинг «Шаҳар комитети бошланғич партия ташкилотларида ҳисоб бермоқда», Ўзбекистон КП Тошкент область Комитети саноат-транспорт бўлимининг инструктори К. Финансовнинг «Қишлоқ заказларини бажаришга муттасил эътибор берайлик» сарлавҳали мақолалари босилган.

Шунингдек журналнинг «Методик маслаҳатлар» бўлимида «КПСС тарихи» ҳамда «Сиёсий иқтисод асослари» курсларига доир навбатдаги темалар берилган.

ЎЗБЕКИСТОН ФАНИНИНГ ШТАБИ

Ўзбекистонда 177 та илмий тадқиқот институти ва олий ўқув юртлари, 16 минг илмий ходим ишлаб турибди. Республикада фаннинг қай даражада ривожланганлигини шу рақамлардан яққол кўриш мумкин. Ўзбекистон олимлари коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга анча ҳисса қўшмоқдалар, экономика ва маданиятни янада юксалтиришнинг муҳим проблемаларини ҳал қилмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси республика фанининг чинакам штаби бўлиб қолди. Академиянинг йиллик йиғилиши у қилган ишларни, унинг янги имкониятлари ва вазифаларини намойиш қилувчи кўрик бўлди.

— Республика академиясининг йиллик йиғилиши, — деди Фанлар академиясининг президенти У. О. Орифов йиғилишни очиб сўзлаган нутқида, — СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган асосий вазифаларини белгилаб берувчи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездига бутун совет халқи зўр тайёргарлик кўраётган кунларда ўтказилди. Ўзбекистон олимлари янги беш йиллик планга доир Директивалар лойиҳасини қизғин маъқулламоқдалар.

Академиянинг 1962—1965 йилдаги фаолияти якунлари тўғрисида доклад қилган У. О. Орифов уқтириб айтдики, бизнинг жамиятимизда қудратли ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолаётган фанни ривожлантириш тўғрисида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қилаётган доимий ғамхўрлиги республика олимлари ҳис этиб турибдилар.

Республика партия ташкилоти активларининг олимлар иштироки билан 1964 йилда ўтказилган йиғилиши Ўзбекистоннинг илмий ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу йиғилиш академия ўтказаётган тадқиқотларнинг савиясини оширишга ва унинг ишидаги камчиликларни йўқотишга ёрдам берди.

Ҳисобот даврида Фанлар академиясининг олимлари ўзларининг куч ва ғайратларини бутун совет фани ривожлантираётган илмий ва техникавий тараққиётнинг энг муҳим проблемаларини ишлаб чиқишга қаратдилар. Ядро физикаси, анорганик материаллар технологияси, Ернинг тузилиши ва ривожланиши, ҳисоблаш техникасини халқ хўжалигида қўлланиш сингари табиёт фанлари соҳасидаги умумиттифоқ аҳамиятига эга проблемаларга доир, шунингдек математика, астрономия, радиацион химия ва биология, қишлоқ хўжалигини химиялаштириш, табиатни ва табиий ресурсларни ўзгартириш ва улардан комплекс фойдаланиш ва бошқа проблемаларга доир тадқиқотлар янада ривожлантирилди. Пахтачиликни ривожлантириш проблемаларини комплекс тадқиқ қилишга доир олиб борилган бир қанча ишларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Ижтимоий фанлар соҳасида социализм тараққиётининг ва коммунизмга ўтишнинг қонуниятларини, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тарихини, халқаро ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракати тарихини, ижтимоий ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил этишнинг илмий асосларини, адабиётшунослик, шарқшунослик, моддий маданият тарихига доир бир қанча масалаларни ўрганишга ва бу ишда Ўзбекистон материалларидан кенг фойдаланишга катта эътибор берилди.

Тўрт йил ичида Академия институтлари 100 дан кўпроқ тадқиқотларни амалий фойдаланиш учун халқ хўжалигининг турли тармоқларига топширдилар.

Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши республика ишлаб чиқарувчи кучларини 1966—1970 йилларда комплекс ривожлантириш бош схемасининг илмий асосларини ишлаб чиқди. Булар беш йиллик планни тузишда фойдаланиш учун Госпланга топширилди.

Физика-техника институти саноатнинг турли тармоқларида қўлланиладиган чалаўтказгич жуда соф материалларни ишлаб чиқаришнинг янги технологик схемасини яратиб берди. Чигит тукини тозалайдиган машиналар давлат синовидан ўтказиш учун топширилганлиги катта халқ хўжалик аҳамиятига эга. Бу машиналарни қўлланиш халқ хўжалигига бир йилда қўшимча 130 миллион сўмга яқин даромад бериши мумкин. Ядро физикаси институтида бир қанча радийизотоп асбоблар яратилди. Бу асбоблар ишлаб чиқаришни контроль қилишни автоматлаштириш системасига қўшилган қимматли ҳисса бўлиб, маҳсулот сифатини яхшилашни таъминлайди.

Химия институтида яратилган янги ўғитлар кенг қўлланиладиган бўлиб қолди. Бу ўғитларни ишлаб чиқариш технологияси республикавинг суперфосфат заводларида жорий қилинди. Шу институт гидротехника қурилишларида ишлатиладиган цементларнинг янги марказларини ҳам ишлаб чиқди.

Усимлик моддалари химияси институти таклиф қилган олиторизид, страфантин, псорален сингари шифобахш дорилар медицина соҳасида манзур бўлди.

Биологлар хлорелладан мол оқсати сифатида фойдаланиш методини ишлаб чиқдилар. Муваффақиятли равишда жорий қилинаётган бу методлар кам озуқа билан молларни яхши семиртиришга ёрдам бермоқда.

Экономистлар алюминий ҳосил қилмоқ учун глиноземни ишлаб чиқаришнинг, бентонит гил ва графит қазиб олиш ва қайта ишлашнинг, суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг бир қанча янги методларига доир таклифларни планлаштирувчи органларга топширдилар.

Бироқ, деди докладчи, тадқиқотларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга ҳамиша ҳам ўз вақтида жорий қилинаётгани йўқ. Таклифларнинг самарадорлигини иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш ишлари кўнгилдагидек эмас.

Тадқиқотларнинг назарий савияси ҳозирги замон фанининг ва халқ хўжалигининг ўсиб бораётган талабларига ҳамиша ҳам жавоб берарлик даражада эмас. Институтларнинг айрим ходимлари ва бутун-бутун лабораториялари илмий ва амалий маҳсулот бермай, кўп йиллардан бери ишлаб келаётганликлари сингари ҳоллар ҳали ҳам бор.

Ҳисобот даврида академия президиуми, унинг бўлимлари ва муассасалари илмий-ташкилий масалаларга катта эътибор бердилар. Академиянинг янги устави ишлаб чиқилиб, умумий йиғилишда қабул қилинди, президиум, бўлимлар ва илмий муассасалар аппаратининг структураси ўзгартирилди. Ўзгартирилган структураларнинг ҳаммаси ҳам муваффақиятли бўлиб чиқди, деб бўлмайди. Бир қанча соҳалардаги тадқиқотларни кенгайтириш, янги бўлимлар очиш керакка ўхшайди.

Ўтган тўрт йил мобайнида Академия бир қанча олий ўқув юртларн, республиканинг илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотлари, шунингдек СССР Фанлар академияси иштироки билан 100 тадан кўпроқ илмий ва илмий-ишлаб чиқариш конференциялари, сессиялари, кенгашлари ўтказди. Халқаро илмий алоқаларни янада мустаҳкамлаш давом эттирилди.

Академия президиуми ва муассасалари илмий кадрлар тайёрлаш масалалари билан муттасил шуғулланмоқдалар. 1962—1965 йилларда 33 та докторлик диссертацияси ва 496 та кандидатлик диссертацияси ёқланди. Ҳозирги вақтда академия муассасаларида 78 фан доктори ва 757 фан кандидати илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Бироқ, юқори малакали илмий ходимларнинг сон жиҳатидан ўсиши айниқса физика-математика, техника ва иқтисодий фанлар соҳасида ҳали етарли эмас.

Илмий кадрлар тайёрлаш даражасини ва сифатини ошириш учун диссертация тадқиқотлари тематикаси қайта кўриб чиқилди ва бу тадқиқотлар тематикаси актуал проблемаларга яқинлаштирилди.

Академиянинг нашриётчилик фаолияти ҳам қилинган ишлар қай даражада бўлганлигини кўрсатувчи белгиларнинг биридир. Тўрт йил ичида «Фан» нашриёти институтлар тайёрлаб берган 250 дан кўпроқ катта монографиянн нашр этди. 1965 йилнинг ўзидагина 390 тадан кўпроқ ҳар хил асарлар босилиб чиқди.

Ҳозирги вақтда академия 11 та журнал нашр этмоқда. Шу журналлардан иккитаси — «Табиий бирикмалар химияси» ва «Гелиотехника» журналлари Бутуниттифоқ аҳамиятига эга. «Фан ва турмуш» журнали кенг кўпчиликка манзур бўлди ва унинг тиражи 200 минг нусхага етди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг бош илмий секретари М. З. Хомидхонов академиянинг 1965 йилдаги фаолияти ва 1966 йилга мўлжалланган проблема-тематика плани тўғрисида гапириб берди.

Докладлар юзасидан бўлган музокараларда илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг бир қанча актуал проблемалари айтиб ўтилди.

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Ҳ. А. Раҳматуллин пахта териш техникасини такомиллаштиришга доир ишларни кенгайтириш зарурлигини айтиб ўтди.

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси М. Н. Набиев олимлар билан ишлаб чиқариш ходимларининг яқин алоқада бўлиб ишлаш яхши самаралар бераётганлигини айтиб ўтди.

Нотиқ Фанлар академияси президиуми академиклар ва корреспондент аъзолар билан етарли алоқа боғлаб ишламаётганлигини, уларни ўз ихтисосларига доир проблемаларни ҳал қилишга ҳамиша ҳам жалб қилмаётганлигини танқид қилди. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси А. Ю. Юнусов ҳам шу тўғрида гапирди.

Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси В. И. Попов республика территориясида фойдали қазилмалар чиқадиган жойларнинг вужудга келиш қонуниятларини назарий жиҳатдан тадқиқ қилишнинг катта аҳамияти борлигини уқтириб ўтди. Ўзбекистон геологларининг назарий тадқиқотлари асосида Қизилқум чўлида олтинга жуда бой кон кашф этилганлиги назарий тадқиқотларнинг юксак даражада самарали эканлигини кўрсатувчи мисол бўла олади.

Академиянинг вице-президенти И. М. Мўминов ва Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси К. Е. Житов ўз нутқларини ижтимоий фанлар бўлимининг фаолиятига бағишладилар. Кейинги йилларда тарих, тил ва адабиёт, фалсафа, ҳуқуқ, экономика масалаларига доир бир қанча монографиялар ва тўпламлар нашр этилди ва босишга тайёрлаб қўйилди. Шу билан бирга, бир қанча ишларнинг сифати ҳали ҳам кўнгилдагидек эмас. Бунинг сабаби шуки, текстлар шошма-шошарлик билан тайёрланмоқда, поёнига етказилган тадқиқотларни муҳокама қилишда ҳали ҳам расмиятчилик бор.

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси М. В. Муҳаммаджонов партия XXIII съезди Директивалари лойиҳаси асосида, биология фанининг вазифалари тўғрисида гапирди. У, касалликларга, айниқса вилт касаллигига бардош берадиган янги ва серҳосил ғўза навларини етиштириш проблемаларини ўрганишни кучайтириш зарурлигини уқтириб ўтди.

Музокараларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг раиси С. К. Камолов, академиклар Х. Ф. Фозилов, Ғ. А. Мавлонов, С. А. Азимов, академиянинг биринчи вице-президенти С. В. Стародубцев ҳам сўзга чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари СССР Фанлар академиясининг биринчи вице-президенти М. Д. Миллионщиков нутқини зўр эътибор бериб тингладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов нутқ сўзлади.

Йиғилиш илмий тадқиқот ишларининг 1966 йилга мўлжалланган проблема-тематика планини тасдиқлади. Бу планда КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги март ва сентябрь Пленумларида совет фани олдига қўйилган вазифалар, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советининг тегишли қарорларида қўйилган вазифалар акс эттирилди.

КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳаси асосида республика халқ хўжалиги, фани ва маданиятини ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиб тузилган бу план чала қолган темаларга доир тадқиқотларни янада кенгайтириш билан бир қаторда, ядро физикаси, математика, қаттиқ жисмлар физикаси ва чалаўтказгичлар, кибернетика, геология, қишлоқ хўжалигини химиялаштириш, астрономия, радиобиология, тарих, фалсафа, экономика ҳамда бошқа табиёт ва ижтимоий фанлар соҳасида анчагина янги темаларни ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Беш йилликнинг биринчи йилида Фанлар академиясининг олимлари 107 та проблема ва 344 та тема бўйича тадқиқотлар олиб борадилар. Шулардан 12 таси СССР халқ хўжалик планига ва 250 таси Ўзбекистон ССР халқ хўжалик планига киритилган.

Йиллик йиғилиш Фанлар академиясига 18 янги ҳақиқий аъзо ва 15 корреспондент аъзо сайлади.

Ваколат муддати тугаганлиги сабабли Фанлар академиясн президиумининг янги состави сайланди. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИ

◆ ◆

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ СОСТАВИГА САЙЛАНГАН ОЛИМЛАР РЎЙХАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИКЛИГИГА

1. **АБДУЛЛАЕВ** Воҳид Абдуллаевич — адабиётшунослик
2. **АКРАМХЎЖАЕВ** Обид Муродович — геология
3. **АҲМЕДОВ** Карим Содиқович — коллоид химияси
4. **БУГАЕВ** Виктор Антонович — геофизика
5. **ҒУЛОМОВ** Яҳё Ғуломович — археология
6. **ЗОҲИДОВ** Воҳид Йўлдошевич — философия
7. **ҚОБУЛОВ** Васил Қобулович — математика
8. **МУСАБОЕВ** Исоқ Қурбонович — медицина
9. **ПОПОВ** Владимир Иванович — геология
10. **РАЖАБОВ** Юнус — музика тарихи
11. **РУСАНОВ** Федор Николаевич — ботаника
12. **РИЖОВ** Сергей Николаевич — тупроқшунослик
13. **СИРОЖИДДИНОВ** Саъди Ҳасанович — математика
14. **ТУРАҚУЛОВ** Елқин Холматович — биохимия
15. **УСМОНОВ** Ҳамдам Усмонович — полимерлар химияси
16. **ҲОЖИНОВА** Мансуда Аъзамовна — пахта технологияси
17. **ЦУКЕРВАНИК** Исаак Платонович — органик химия
18. **ШЧЕГЛОВ** Владимир Петрович — астрономия

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ КОРРЕСПОНДЕНТ-АЪЗОЛИГИГА

1. **АМИНОВА** Раҳима Ҳодиевна — СССР тарихи
2. **БОЙМУҲАМЕДОВ** Ҳосил Нурматович — геология
3. **ДАДАБОЕВ** Акрам Дадабоевич — селекция ва генетика
4. **ЖАМОЛОВ** Онер Бойимбетович — экономика
5. **ЗИЕДУЛЛАЕВ** Саидкарим — халқ хўжалиги экономикаси
6. **ИСАМУҲАМЕДОВ** Эргаш Мусаевич — геология
7. **НУРМУҲАМЕДОВ** Марат — адабиётшунослик
8. **РАҲИМОВ** Ғафур Раҳимович — энергетика
9. **СУЛТОНОВ** Абдулла Султонович — органик химия
10. **САГИТОВ** Исмоил Танатарович — адабиётшунослик
11. **СУЛТОНОВ** Иззат Отахонович — адабиётшунослик
12. **ТУЛАГАНОВ** Аҳрор — гельминтология
13. **УРАЗАЕВ** Шавкат Зинариевич — ҳуқуқ бўйича
14. **ҲАМРОБОЕВ** Иброҳим Ҳамробоевич — геология
15. **ШИШКИН** Василий Афанасьевич — археология.

КЎКЛАМ КЎРКИ

МУХБИРЛАР ХАТИДАН

Мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани бўйича КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳаси республикамиз деҳқонларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Улар съезд олди социалистик мусобақасини қизитиб, кўкламга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу ҳақда редакциямизга ҳар куни жуда кўп хат-хабарлар келиб турибди.

—Кўклам — меҳнат билан кўркам,—деб ёзади Хоразм областидан Р. Шарипов, С. Ботирова ўртоқлар. — Ана шу шиор остида меҳнат қилаётган Урганч районидаги «Пахтакор» колхозининг Раззоқ Раҳмонов бошлиқ бригадаси аъзолари пахта майдонларини чигит экишга тайёрлаб қўйдилар.

Шу областдан хабар юборган Ж. Раҳимов, О. Жуманиёзов, Н. Машарипов ва С. Ҳайитбоев ўртоқлар Ҳазорасп районидаги «Тошкент», Янгиариқ районидаги «Ленинград», Шовот районидаги «Москва» ҳамда Гурлан районидаги Киров номли колхозларда кўклам экин кампаниясига қизғин тайёргарлик қурилаётганлигини билдиришган.

Андижон областидан келган кўпгина хабарларда ерда нам сақлаб қолиш учун чигит экилиши лозим бўлган майдонларни суғоришга алоҳида аҳамият берилаётганлиги, сув шоҳобчаларини қазиш ишлари жадаллаштириб юборилганлиги айтилган. Шунингдек, техника ремонти кун сайин қизғин тус олаётганлиги қайд қилинади.

Андижон районидаги Киров номли колхозидан У. Эгамбердиев бундай деб ёзади:

— Колхозимизда кўкламга пухта тайёргарлик кўрилляпти. Қайрилма, Серака ариқлари сифатли қазиб қўйилди. Колхозчилар 1630 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун дала ишларини жадал суръат, аъло сифат билан давом эттиряптилар. Янгиқўрғон районидаги Ленин номли колхозидан А. Мамадалиев, Ленин районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан П. Саидэҳсонов, Янгиқўрғондаги Навоий номли колхозидан К. Раҳимов, Наманган районидаги «Қизил байроқ» колхозидан М. Шамсиддинов, Андижон районидаги Куйбишев номли колхозидан С. Тожибоев, Балиқчи районидаги «Коммунист» колхозидан С. Йигиталиев, Москва районидаги Охунбобоев номли колхозидан А. Жўраев, Андижон районидаги «Ҳақиқат» колхозидан С. Тожибоев, Чуст районидаги «Ленин йўли» колхозидан О. Охунжонов ва бошқа ўртоқлар ёзиб юборган хабарларда мазкур хўжаликларда техника ремонти тугалланай деб қолганлиги маълум қилинади.

Тошкент областининг механизаторлари беш йиллик план бўйича КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасидан илҳомланиб, бу йил чигит экишни ўтган йилдагига нисбатан анча барвақт бошлаб юборишга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида, Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхозда, Юқори Чирчиқдаги «Правда», Ўрта Чирчиқдаги Энгельс номли колхозларда, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг тажриба участкасида ерларни экишга тайёрлаш қизғин бораяпти. Шулар ҳақида Ф. Жўраев, Э. Юсупов, П. Усмонова, Ш. Холмуҳамедов ва Ҳ. Тўйчиев ўртоқлар ёзиб юборишган.

Фарғона областидан хабар юборган Қ. Шодмоновнинг хатида бундай мисралар бор:

«Ленинград районидаги «Коммунизм» колхозининг ремонт устахонасида иш қизғин. Инженер Муйдинжон Эргашев, бригада механикларидан Мамат Фозилов, Саидумар Фозилхонов ўртоқлар ремонтнинг сифати устидан кўзқулоқ бўлиб туришибди. Кези келганда уларнинг ўзи ҳам ремонт ишларида қатнашишяпти».

Киров районидаги Киров номли совхозда, Олтиариқ районидаги «Қизил Ўзбекистон», Бағдод районидаги «Ленинизм» колхозларида қишлоқ хўжалик машиналари мавсумга шайлаб қўйилганлиги ҳақида А. Тошпўлатов, Н. Шерматов, О. Тожиев ўртоқлар хабар қилишади.

Самарқанд районидаги «Москва», Булунғур районидаги Жданов номли, Пайариқ районидаги Карл Маркс номли, Иштихон районидаги «Партия XXII съезди» колхозларида, Ғиждувон районидаги Жданов номли колхозда, Навоий районидаги «Гигант» совхозида, Шаҳрисабз районидаги Куйбишев номли, Навоий номли, Қарши районидаги «Коммунизм» колхозларида, Сирдарё районидаги «Ленинград», Жиззах районидаги «Зарафшон», «Москва», Жданов номли колхозларда, Жарқўрғон районидаги «Қизил Октябрь», Беруний районидаги Навоий номли қишлоқ хўжалик артелларида дала ишлари кўнгилдагидек уюштирилган. Бу хўжаликларнинг далаларида ҳаёт бутунлай қайнамоқда. Ерларга запас сув қуйиш, текислаш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш, тракторларни, сеялкаларни ремонт қилиш, маҳаллий ва минерал ўғит жамғариш ишлари планли равишда амалга оширилмоқда.

Ана шулар ҳақида К. Бойназаров, С. Қодиров, Н. Жўрабоев, С. Хўжаев, Р. Гадоймуродов, А. Эргашев, М. Қодиров, Ж. Юсупов, А. Турсунбоев, Т. Мамадалиев, Ғ. Даманов, А. Пардаев, М. Мўминов, И. Бўриев, Б. Саодатов, С. Абдуллаев ва бошқа ўртоқлар ёзиб юборишган.

Баҳор эшик қоқяпти. Ҳадемай кунлар янада исиб кетади. Егинтарчилик жуда кам бўлган бу йилги шароитда ерда кўпроқ нам сақлаган деҳқон догда қолмайди. Шундай экан, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиб, ерларга запас сув бериш ишини кечаю-кундуз ўтказиш зарур. Шунга эришиш керакки, ер ости сувлари узоқ жойлашган майдонлар қондириб суғорилсин.

Бу йил чигит экишни бултургига нисбатан анча барвақт бошлаб юбориш мумкин. Шунга кўра, далаларни экишга тезроқ тахт қилиб қўйайлик.

КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида Ўзбекистон бундан буён ҳам мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолажаги алоҳида таъкидланган. Шундай экан, республикамиз шон-шуҳратини оширмоқ учун бу йил ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштирилишини таъминлаш керак. Мўл ҳосил етиштириш эса ҳозирги кундардан бошланади.

Муросасизлар СИГНАЛИ

УМИД

«Қўқон» совхозининг Шўхай қишлоғи бир неча йил олдин обод ва кўркамлиги билан Қўқон районидагина эмас, ҳатто Фарғона областида ҳам машҳур эди. Ҳозирчи?

Совхознинг йирик «Ленинград» бўлими жойлашган бу ерда сув ювган кумлоқдек ҳеч парса қолмаган. Чойхона беркитилиб унинг олдидаги гулзор, пайхон қилинган. Кутубхона ҳам беркитилди.

Клуб бир неча йилдан бери ремонт қилинмаган. Деворлари қорайиб, ёрилиб кетган. Синган ойналари ўрнига тахта қоқиб қўйилган. Поллари бири қарич чанг. Фильм намойиш қилинса бўлим ишчилари полда ўтириб кўришга мажбур бўладилар.

Қишлоқ меҳнаткашларининг маданий дам олишларига қулай шароит яратиш учун тошкилинч чора кўрилар деган умиддамиз.

Қ. ҚУДРАТОВ.

ҚУРУҚ САВЛАТ

1962 йилда Термиз районидаги «Қизил юлдуз» колхозида ҳаммом қурилиб ишга туширилган, бу колхоз меҳнаткашларини қувонтирган эди. Лекин орадан учтўрт ой ўтмай ҳаммом бекилиб қолди. Колхозчилар ювиниш учун ўн-ўн беш километр йўл босиб район марказига қатнашга мажбур бўлмоқдалар.

Колхозчилар ҳаммомни очишни талаб қилиб колхоз раиси Бозоров, партия ташкилотининг секретари Чоршанбиев ўртоқларга мурожаат қилдилар. Бу масала колхозчилар йиғилишларида ҳам қайта-қайта тилга олинади. Аммо шу кунгача ҳаммомдан қулф тушгани йўқ.

Ж. БИКИЕВ.



Фото лавҳалар

Қашқадарё областида Пулизиндон-Қарши сув қувури барпо этилмоқда. Қарши чўлини ўзлаштирувчилар учун ҳар секундда 110 литр сув етказиб бера оладиган янги магистрал шу йил фойдаланишга топширилади. Чапдаги суратда магистрал сув қувурининг участкаларидан бири.

В. Сваричевский фотоси, [ЎзТАГ фотохроникаси].

Фарғона области. Меҳнаткашларга, айниқса қишлоқ аҳлига медицина хизматн кўрсатиш йилдан-йилга яхшиланиб боряпти. Ўнлаб янги касалхона, туғруқхона, болалар ошхонаси қуриляпти. Фельдшер-акушерлар тайёрлайдиган курслар очилган. Кўпгина колхозлар ўзининг медицина шаҳарчасига эга. Қува районидаги «Фарғона» колхозининг даволаш комплекси катта боққа жойлашган бўлиб, ундаги туғруқхона, аптека, физиотерапея, рентген кабинетлари энг янги асбоб-ускуналар билан таъминланган. Шифокорлар қишлоқнинг 7,5 минг аҳолисига намунали хизмат қилишяпти. Ўнгдаги суратда шифохонанинг врачлари — Андижон медицина институтининг собиқ студентлари Неъмат Камолов ва Мамлакат Камоловалар.

Г. Бойко фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

УРГАНЧ ЖАМОЛИ

Шаҳарнинг ҳусниға-ҳусн қўшиляпти. Яқиндагина ўнлаб уй-жой бинолари, болалар боғчаси, гастроном, «Баҳор» ресторани ишга туширилди.

Кўчаларга асфальт ётқизиш, хиёбонлар барпо этиш ва аҳоли яшайдиган жойларни газлаштириш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

А. ЭШМАТОВ.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДА

ВОКЗАЛ ҚАЙТА ҚУРИЛДИ

Урта Осиё темир йўл бошқармасига қарашли Гулистон вокзали қайта қурилди. Вокзалдаги кутиш зали, болали оналар учун махсус хоналар шинам қилиб жиҳозланди. Вокзал биносида Гулистон шаҳар маркази билан колхоз, совхоз қишлоқлари ўртасида қатновчи автобуслар учун билет кассаси ҳам жойлашди.

Вокзал атрофи кўкаламзорлаштирилмоқда.

МАЛАКА ОШИРИШ УЧУН

Гулистондаги ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошида саккиз йиллик мактаб директорлари ва илмий бўлим мудирлари учун доимий семинар ташкил этилди. Семинарга юздан ошиқ киши қатнашмоқда.

ЯНГИ ЗАВОД

Янгиер шаҳрида пластмасса қувурлари тайёрлайдиган завод қурилиши бошлаб юборилди. Яқин йиллар ичида Мирзачўл, Қарши чўли ва Марказий Фарғона ерлари шу пластмасса қувурлар билан таъминланади.

БАХТИЁР КЕКСА

Гулистон шаҳрида ҳунармандчилик кооперацияси ташкил этилди. Кооперация ҳозирги вақтда 90 кишини бирлаштирган. Кооперация аъзолари ўз ихтисосларига кўра бригадаларга бўлинган. Бригадалар ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашган участкаларига эга. Кооперация аъзолари ҳозирги вақтда 1966 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун ишлаб чиқариш планини ортиқ бажаришга киришдилар.

Ҳунармандчилик кооперацияси аъзолари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг кўпчилиги Гулистон шаҳрининг ўзида сотилади. Қолган маҳсулотлар Сирдарё областининг бошқа районларига ва Тошкент шаҳрига жўнатилади.

ҚИЗИҚАРЛИ ВИСТАВКА

Шарқ халқлари Давлат музейида Туркиянинг XV—XIX асрлардаги тасвирий санъатига оид виставка очилди. Бу ерга қўйилган экспонатлар орасида олтин зарлар билан тўқилган гилам, кумуш идиш-товоқлар, нафис безатилган қилич, эгар-жабдуқлар бор.

Виставкада намойиш қилинаётган нодир буюмлар ватанимизнинг турли музейларидан келтирилган.

М. БОБОХОНОВ, «Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

«ЛУНА-9» СТАНЦИЯСИ

Москва. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси «Космос» павильонида «Луна-9» автоматик станциясига бағишланган фото экспозиция очилди.

Яқин кунларда виставкага «Луна-9» автоматик станциясининг ҳақиқий шаклини ифода этувчи макети ва Ойдан ерга юборилган ажойиб, қизиқарли фотосуратлар келтирилади.

АХЛОҚ ВА ОДОБ МАВЗУИДА

МЕҲНАТНИ СЕВИНГ

ҚАНЧАЛАР ТОТЛИ...

Унинг қуралай кўзлари самимий порлаб туради. Кўнгли пахтадай оқ, ипакдай майин аёл у. Касби — сут соғувчи. Узи учун энг олий, энг севимли туюлади шу касб. Ахир шу касби билан элюртга наф келтиряпти-ку. У соғиб олган серқаймоқ сутлар нонуштамизнинг кўрки, кичкинтойларимизнинг энг хуш кўрган таомлари. Худди шу важдан у саҳарлаб туриб, ишга келади. Ҳар куни 30 сигирнинг ҳар биридан 9—10 литрдан сут соғиб олади...

Мингул опанинг ширин муомаласи, олижаноблиги ҳам агрофидагиларнинг кўнглига малҳам. Тунов куни нима бўлди ю, ҳамкасби Нурияхон ишга келолмади. Тоби айниб қолдимикан-а, ҳеч келмай қолмасди-я, ўйлади Мингул опа. Жониворлар эса мўлтираб туришибди.

Мингул опа енгларини шимарди. Нурияга бириктирилган 20 бош, ўзига бириктирилган 30 бош сигирга ем бериб, соат санкизгача соғиб бўлди. Меҳнат ҳақини Нурияга ёздирди. Нурияхон эртасига келиб, кўнгли тоғдай кўтарилди.

Бу аёл кундалик газеталарни кўздан кечириб боради. Бир куни машҳур соғувчи А. Чуднаянинг ташаббуси ҳақида ўқиб қолди.

— Биз ҳам қўшиламиз — деди у. — имкониятимиз етарли. Ҳаракатни янаям кучайтирсак бас. — Мингул опанинг фикри ҳамкасбларига ҳам маъқул келди.

— Энг кўп сут берадиган «Радуга», «Любимая»лар сизга, Закияхон — деди у.

— Йўғ-е, сиз мендан чаққонроксиз, — эътироз билдирди Закия опа.

— Сиз ҳам чаққонсиз, ўргилай. Мен ўртачаларини олиб, сизга етиб олишга уринаман, янги туққан сигирлар Нурияхонга...

Ҳозир уч дугона Чудная изидан бориб, областда яхши кўрсатичга эришяпти.

Мингул опанинг онаси ҳавас қилса арзигудек. Эри Комон Исмоилов ҳам фермада ишлайди. Эр-хотин ҳалол меҳнат қилиб, тўрт хонали уйларини саранжом-саришта қилиб олишган. Кир ювадиган машиналаридан тортиб телевизоргача бор. Фарзандлари Билол ва Дилора мактабда аълочи ўқувчи. Кичик Лира бу йил биринчи синфга боради. Мингул опа мароқли дам олишга ҳам вақт топади.

Мингул Ғозиева Фарғона районидаги «Фарғона» совхозининг сут товар фермасида шу оддий касби билан ҳурмат қозонган. Шу оддий касбининг гашти унга қанчалар тотли.

ОРСИЗ

Холис исмли аёлнинг қилган ишлари бутунлай нохолис. У қўчинқўшниларини ранжитади, эрини уйдан бездиради. Унинг уйида на ҳузур-ҳаловат, на тўкин-сочинлик бор.

Бир кўрганга туппа-тузук, келишгангина аёл, тили бурро. Савлат тўкиб юради. Бармоқларида қўш-қўш тилла узук. Лекин ношкиёди, шу узукнинг бирортаси ҳалол меҳнат эвазига келган бўлса...

Унинг қиладиган иши чайковчилик, алдамчилик. Уйма-уй юради. Соддароқ аёлни учратиб, узукларини кўз-кўз қилади:

— Қаранг, қимматбаҳо мол. Улмайдиган мол. Ширинкомани чўзинг, мижозларимдан арзон-гаровга олиб келиб бераман, — дейди. Пулни олиб чўнтакка солади-ю, зим-зиё бўлади. Яна бошқа уйга кириб боради.

— Ҳой ўртоқ, попоп машинанинг янги сорти чиқибди. Масковдан фалон мижозим олиб келди. Жуда яхши нарса-да, — дейди. Тилига ёғ суртиб, харидорни эритади. Хуллас, ширинкомани олиб, жўнайди.

Кун ўтади, ой ўтади, қимматбаҳо молдан дарак йўқ. Кейин Фарғона шаҳрининг Памирск кўчасидаги 63-уйга келиб, турна-қатор туриб олишади пул эгалари. Холис эса буни билиб уйга келмай қўяди. Пул эгалари кутаверіб, қатнайвериб дармонлари қолмайди. Бешбола қишлоғида яшовчи Мамажон Узоков, Фарғона шаҳрининг Қашқар кўчасидан Хосият Мадзлиева, Дилбар Турсунова, қувасойлик Шарофат Аҳмедова кабилар 63-уйга бўзчининг мокисидай қатнашади. Аммо Холис ҳамон бетидаги қалин чармни олмаяпти.

Бекорчиликдан безорчилик чиқади, деганлардан, бу аёл умр бўйи ҳеч қаерда ишламаган. Уйда тиниб, болаларига бош бўлиб ўтмайди ҳам. Унинг еттита фарзанди бор. Уларнинг тарбиясига ҳеч эътибор бермайди. Тагин ҳам партия-ҳукуматимиз ғамхўр. Унинг 4 ўғил-қизи шаҳардаги 11-мактаб-интернат қучоғида. Катта қизи Салимани (17 яшар) икки йилдан бери мактабга юбормайди. Уй ишларига ўралаштириб қўйган.

Холис Боборахимовани маҳалладагилар тартибга чақиришди, бўлмади. Хўш, бундай орсиз аёл қачонгача гул ҳаётимизга тикан бўлиб, хотин-қизлар шаънига доғ туширади. Бундай тиканлар бир-икита бўлса ҳам киши қалбига озор етказишади. Холис қачон тўғри йўлга тушиб олади? Фарғона шаҳар Совети, жамоатчилик чайковчи аёлнинг қилмишларига нима дейди?

С. МАҲМУДОВА. Фарғона шаҳри.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ ДА босилгандан кейин

«КЕЧИККАНИ КЕЧИККАН»

«Бизнинг Туябўғиз посёлкамизга хизмат қиладиган почтальон йўлда ухлаб қоладими, ишқилиб газетани 2-3 кун кечикиб олиб келади...»

Бу сатрлар «Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 23 январь сонида муросасизлар сигнали рубрикаси остида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақоладан келтирилди. Мақола юзасидан текшириш ўтказаган Урта Чирчиқ район Тўйтепа алоқа узелининг бошлиғи ўртоқ Э. Холиқов редакцияга қуйидагиларни билдирди:

Текширишда тилга олинган фактлар тўла тасдиқланди. Туябўғиз посёлкасида истиқомат қилаётган аҳолига алоқа хизматини яхшилаш мақсадида қўшимча яна битта почтальон ажратилди. Газета-журналлар, хатхабарлар вақтида эгаларига етказиб бериляпти. Аҳолига алоқа хизмати кўрсатишни яхшилашга қаратилган янги тадбирлар белгиланди.

ЛИРИК ДРАМА

ТЕАТР

Муқимий номидаги Ўзбек давлат музикали драма ва комедия театри томошабинлар эътиборига ҳавола этган «Ота ўғли» лирик драмаси муҳаббат ва дўстлик темасига бағишланган. Драма автори шоир Ҳусниддин Шарипов. Бу асар унинг драматургия соҳасидаги иккинчи қадами. Бу пьесада ёшлар ҳақида, уларнинг тақдири, истиқболи ҳақида, одамийлик, вафодорлик, олижаноб фазилатлар ҳақида, меҳнат ва муҳаббат ҳақида мулоҳаза юритилади.

Пьесанинг қаҳрамонлари Ҳабиб, Муҳтарам, Шерали, Икромлар эндигина ўрта мактабни тугатиб, мустақил ҳаёт сари йўлланма олганлар. Улар ҳоҳласа ўқишга бориши, ҳоҳласа колхозда — туғилиб ўсган қишлоғида қолиб ишлаши мумкин. Қайси бири маъқул? Улар ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилиши, ўз истиқболларини ўзлари белгилашлари керак. Икром ўқишга кетишга қарор қилади. Шералининг нияти ҳам шундай. Аммо Ҳабиб ўқишга боришга шошилмайди. У озгина бўлса-да, аввал меҳнат қилиб, жамиятга фойда келтиришни муқаддас бурч деб билади. Шу мақсадда қишлоқда қолишга қарор қилади. Аммо ўн йил бир партада ўқиган дўсти Шерали буни бошқача тушунади. У Муҳтарам туфайли ўқишдан воз кечди, деб билади. Чунки унинг ҳам Муҳтарамда кўнгли бор, уни севади. Лекин Ҳабибнинг иккинчи дўсти Икром ўз фикрида қатъий туриб, ўқишга кетишга қарор қилади. Икромнинг фикрича, Ҳабиб билан Шерали Муҳтарам туфайли ўқишга боришдан воз кечишяпти.

Ҳабибдан ҳадик олган Шерали фурсати қўлдан бой бермай шошилийч ҳолда Муҳтарамларникига сарлавҳа қўяди. Бироқ Муҳтарамнинг ота-онаси совчиларга жавоб беришдан олдин Ҳабибнинг олдидан ўтади. Бу ўринда Ҳабиб Муҳтарамни севишини айта олмаса-да, у жиддий ўгаради. Чунки севгисини очиқ изҳор қилишга ботина олмай юрган эди. Шунинг учун ҳам у руҳан қийналади. Шу вақтгача Муҳтарамга бу тўғрида оғиз очмаганидан пушаймон бўлади. Эҳтимол Муҳтарам Ҳабибни эмас, Шералини севар? Шерали ҳам ёмон йигит эмас. Нима қилиш керак? Бу савол унинг вужудини ўртайди, ёлқасидан оғир тош бўлиб эзади.

Ахир, бир чеккаси у шуни деб қишлоқда қолишга қарор қилган эди-ку?! Неъмат отага шогирд тушиб, унинг боғбонлик касбини эгалламоқчи бўлган эди-ку! Энди нима бўлди? Наҳотки Муҳтарам Ҳабибнинг юрагидаги оташин муҳаббатни пайқамаган бўлса?! Ҳабиб муҳаббат туфайли чеккан изтиробларини аламини меҳнатдан ва фақат меҳнатдан — бир вақтлар отаси бошлаб охирига етказолмаган ишни давом эттиришдан олмоқчи бўлади. Мана шу эзгу ният унга ором беради, овунтиради. Шу ниятини амалга ошириш учун курашади. Шундай қилиб Ҳабиб Қумбулоқда катта боғ барпо этишга бел боғлайди. Буни Муҳтарам ҳам табриклайди. Дўстлар мадади унга қанот беради.

Муҳаббат — бу икки қалбнинг бир-бирига монанд келиши, бири иккинчисидан интиҳосиз завқ-шавқ олиши. У фақат икки томоннинг баравар интилиши орқали реал кучга эга бўлади. Ёш драматург Ҳабиб ва Муҳтарам муҳаббатини худди ана шундай талқин этади. Шунинг учун ҳам Шерали қанчалик тадбиркорлик кўрсатмасин, ҳаракат қилмасин, барибир Муҳтарамнинг розилигини ололмайди. Бундан ранжиган Шерали тоғаси Ғойибга дардини ёради. Ғойиб жияни учун Муҳтарамдан ўч олади. Оқибат натижада Муҳтарам трактордан йиқилиб шикастланади. Шерали қаттиқ изтиробга тушади. Медицина институтидан практика ўтказишга келган Икром Муҳтарамни даволайди. Ниҳоят Муҳтарам тузалиб уйга қайтади. Дўстлар яна юзма-юз учрашадилар. Муҳтарам уларнинг ёнига чиқади ва шу ерда муҳаббат можароси ниҳоясига етади. Муҳтарамнинг кўнгли Ҳабибда ҳам, Икромда ҳам эмаслиги, фақат Ҳабибда эканлиги аён бўлади.

Муқимий театри артистлари ижросида талқин этилган бу дўстлар образи томошабинда чуқур таассурот қолдиради. Улар том маънода янги давр кишилари, мактаб, тарбия кўрган ёшлар сифатида эътиқодга лойиқдир. Томошабин Ҳабиб (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Суръат Пўлатов)ни ҳам, Икром (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Ихтиёров)ни ҳам, Муҳтарам (артистка Наима Неҳоқова)ни ҳам, Шерали (С. Раҳимжонов)ни ҳам севади. Уларнинг ўртасидаги ёшларга хос қизиқчонлик ва бу қизиқчонликка берилиб кетмай, энг танг пайтда ҳам ақл-идрок билан ўзларини идора этишлари кишини ишонтиради. Самимий, бегараз муомалалари томошабин диққатини жалб этади.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳамза Умаровнинг бригадир Ғойиб образини яратишдаги маҳоратига қойил қолиш керак. Асардаги бошқа ҳамма ижобий қаҳрамонларга ёлғиз Ғойибнинг ўзи бас келади. Драматург Ғойиб образи орқали ҳаётнинг чинакам мазмунини тўғри тушуниб етолмаган айрим шахслар типини яратади.

Ўзбекистон ССР халқ артистлари М. Юнусов ижросидаги Неъмат ота (Муҳтарамнинг отаси), Т. Жаъфарова ижросидаги Шаҳринисо (Муҳтарамнинг онаси) ва саҳнага кириб келишининг ўзидаёқ томошабинлар кулгисини бенихтиёр қўзғатадиган Ўзбекистон ССР халқ артистласи Лутфихоним Саримсоқова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистка О. Фаёзовалар ижросидаги совчилар образи тўғрисида ҳам фақат ижобий гапларни айтиш мумкин.

Композитор Ф. Содиқов ва Б. Гиенкулар ўзбек халқ наволари асосида асарга ёқимли оригинал музика басталай олганлар.

Асарни кўз олдимизда намоён этар эканмиз ундаги нуқсонлар ҳам томошабин назаридан ўтиб туришини тан олиш керак.

Қаҳрамонлар нутқида баъзан умумий услубга путур етказадиган ўринлар сезилиб қолади. Ҳабиб шеър тилида қофия ва вазнли қилиб парвозни жуда баланд олади. Ғойиб эса унга жавобан прозаик тил билан бир дунё гапни бир варақай тўкади-қўяди. Ғойибнинг сўзлари ўз табиийлиги билан асарнинг бош қаҳрамони Ҳабиб сўзларини босиб кетадики, бу тўғрида ўйлаб кўриш керак. Иккинчи парданинг мажлис картинасидаги Ғойибга давки бериш учунгина киритилган (Жаббор, Холдор образлари) статик характер касб этиб қолган. Уларнинг «вазифаси» (худди охирги кўринишдаги каби) қизларнинг ўзига олиб берилса асар ютиши мумкин. Совчи персонажларини юки камдай бўлиб қолган. Чунки улар бир кўринадилар-у, ғойиб бўладилар.

Ишонамизки, театрнинг ижодий коллективи ёш драматург Ҳусниддин Шарипов билан биргаликда асар устида ишлашни давом эттиради ва бу мулоҳазаларни эътиборга олиб уни дид ва талаби юксак бўлган ҳозирги замон томошабинларининг севимли спектаклларига қаторидан жой олишига эришади.

Саттор ҲАЙДАРОВ, Фатхиддин НАСРИДДИНОВ.

САМАРҚАНД РАССОМЛАРИ

Ўзбекистон Рассомлар союзи Самарқанд бўлимининг виставкалар залида маҳаллий рассомлар асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада таниқли санъаткорлар билан бир қаторда ёш талантли рассомлар ҳайкалтарошлар ва графикларнинг маҳорат билан яратган асарлари ҳам қўйилган. Уларни томоша қилар эканмиз бизда айрим авторлар устахонасида бўлиш ниятн туғилди.

Мана Муборак Йўлдошев устахонасидамиз. Ҳозир Муборак Самарқанд опера ва балет театрининг бош рассоми бўлиб ишлаяпти. Спектакллар ғояси, мақсади ва артистлар хатти-ҳаракатини чуқур ҳис этиб, у саҳнани ишонарли қилиб безатяпти. Устахонадаги турли-туман эскизлардан буни сезиб олиш осон.

М. Йўлдошев 1961 йили Тошкентдаги Островский номли театр ва рассомчилик санъати институтини тугатиб, А. Навоий номли опера ва балет театрида ишлай бошлади. Республика халқ рассоми Мели Мусаев унга чинакам устозлик қилди. Муборак бу ерда мустақил равишда «Борис Годунов», «Флория Тоска» опералари ва «Момақалдироқ изидан» балетига декорациялар ишлади.

Биз мўйқалам соҳиби Ашраф Розиқов устахонасида ҳам бўлдик. Тасвирий санъатнинг турли жанрларида муваффақиятли ижод қилаётган А. Розиқов пейзаж асарларида шаҳарнинг ажойиб қиёфасини акс эттирса, портретларида қишлоқ меҳнаткашлари жонланади. тематик картиналарида совет кишиларининг қувноқ ҳаёти тасвирланади. Айниқса, рассомнинг Самарқанд архитектура ёдгорликларини акс эттирувчи асарлари ва ёркин бўёқли пейзажлари кишини мафтун этади.

Ҳозирги кунда А. Розиқов «Дала шийпонида тўй» номли катта полотно устида иш олиб бормоқда.

Шунингдек, рассомдардан А. Исмоилов, Г. Жалолова, В. Долгополов, Г. Улько, С. Редькин ҳамда Р. Темуровлар ҳам янги-янги полотнолар яратиш орзуси билан яшамоқдалар.

Т. ОДИЛБЕКОВ, санъатшунос.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

15 февралда СССР Ташқи ишлар министрлигида Лаос масаласи бўйича 1961—1962 йиллардаги Женева кенгаши ҳамраисларининг мазкур кенгаш қатнашчилари бўлган мамлакатларга қаратилган қўшма мактубининг совет лойиҳаси Англия ҳукуматига топшириш учун Буюк Британиянинг Москвадаги ваколатхонасининг маслаҳатчиси—элчи Т. Бримелсга топширилди.

Мактубда, жумладан, ҳамраислар Лаос масаласи бўйича Женева кенгаши қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг эътиборини шу нарсага қаратиш таклиф қилинадики, Лаосдаги кузатиш ва назорат қилиш халқаро комиссияси баъзан Женева битимининг қоидаларига мувофиқ ҳаракат қилмаётир, шундай ҳоллар ҳам бўлдики, комиссиянинг докладлари бир ёқлама тузилди ва Польша вакилининг иштирокисиз қабул қилинди. Халқаро назорат комиссияси ўз функцияларини Лаос масаласи бўйича 1962 йилги Женева битимларига қатъиян мувофиқ равишда ҳамда Лаоснинг коалицион короллик ҳукумати составига кирувчи учала снёсий кучлар билан келишиб бажармоғи керак. Бу комиссиянинг энг муҳим масалалар юзасидан чиқарадиган хулосалари ва ҳамраисларга юборадиган тавсияномалари комиссиянинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши шарт.



Суратда: Тошкентдаги «Подъёмник» заводида янгигина фойдаланишга топширилган металл конструкциялар цехининг умумий кўриниши.
И. Глауберзон фотоси.

Халқаро ОБЗОР ПЛАНЕТАМИЗ БЎЙЛАБ

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

Утган ҳафтадаги снёсий ҳаёт воқеаларга гоят бой бўлди. Лекин СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 — 1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директиваларининг партиямиз Марказий Комитети февраль Пленумида тасдиқланган лойиҳаси ўтган ҳафтанинг энг марказий темаси бўлиб қолди ва бутун жаҳон матбуотида шу Директивалар лойиҳаси тўғрисида фикрлар баён қилиниб турди, давлат арбоблари, экономистлар ва социологлар бу ҳужжатни жуда синчиклаб ўрганишни давом эттиримоқда.

ИНСОНИЯТ БАХТ-САОДАТИНИ КЎЗЛАБ

Ҳамма маслаклардаги чет эл матбуоти давлатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришнинг янги программасига баҳо бериб, Директивалар лойиҳасининг асосий белгисини — иқтисодий эҳтиёжлар ва имкониятларни илмий анализ қилишга асосланиб кўйилган мақсадларнинг реаллиги ва равшанлигини, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда новаторлик билан йўл тутилаётганлигини ўз хоҳиши билан бўлса-да, ёки ноиложликдан бўлсада ҳар ҳолда қайд қилиб ўтишга мажбур бўлмоқда. Шу билан бирга газеталар КПСС Марказий Комитети, ўсиш қийинчиликлари тўғрисида очиқ ва объектив равишда гапириб, бу қийинчиликларни бартараф қилиш имкониятларини очиб бераётганлигини алоҳида кўрсатиб ўтмоқдалар.

Обзорчилар лойиҳада келтирилган контроль рақамларни шарҳлаб ёзган мақолаларида совет халқининг турмуш даражасини тез ва огишмай ювсалтириб бориш янги беш йиллик планнинг асосий мақсади қилиб олинганлигига алоҳида тўхталмоқдалар. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, нурафшон коммунистик жамият қураётган биринчи социалистик мамлакатнинг ҳар қандай муваффақияти сабабли тугилаётган кучли таассуротни камайтиришга ҳар сафар уриниб келган баъзи буржуа газеталари ўсишимизнинг истиқболларини бу сафар ҳам шубҳа остига олишга кучаниб ҳаракат қилмоқдалар. Лекин, масалан, консерваторларнинг Лондонда чиқадиган «Дейли телеграф» газетаси наби, мана шу буржуа газеталари ҳам «бу лойиҳа халқ равнақини таъминлашга қаратилган» лойиҳа эканлигини эътироф қилишга мажбур бўлмоқдалар. СССРнинг халқ хўжалигини юксалтириш соҳасидаги ҳар бир ютуғи жуда катта халқаро снёсий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Польшадаги «Трибуна люду» газетаси бу тўғрида жуда яхши фикр айтди. «СССРнинг иқтисодий қудрати ва социалистик ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ўсиб бораётганлиги, Совет жамоатининг турмуш даражаси янада ошаётганлиги, социалистик демократия ривожланаётганлиги, Совет миллий снёсатининг муваффақиятлари, деб ёзади «Трибуна люду» газетаси, социализм идеяларининг жозибадор кучини тагин ҳам кўпроқ ошира беради, жаҳон миқёсидаги синфий кучлар нисбатида социализм фойдасига янада ўзгаришлар бўлишига, замонамиздаги барча революцион кучларнинг мустаҳкамланишига ва шу кучлар бирлигининг маҳкамланишига ёрдам беради».

Социалистик лагерь мамлакатларидаги дўстларимиз ўзларига иттифоқчи бўлган Совет Иттифоқининг планларини ўз мамлакатлари экономикасини юксалтиришни ва ўзларининг тараққий этишларини таъминловчи гаров, деб билмоқдалар. Чунки янги планда қардошларча ҳамкорликни янада кенгайтириш ва саноат-хўжалик соҳасидаги кооперативлаштиришнинг самарадорлигини янада ошириш кўзда тутилади.

Мустамлакачилик асоратидан яқинда озод бўлиб, мустақил ривожланиш йўлига тушиб олган мамлакатлар СССР экономикасининг юксалишига катта умид боғламоқдалар. Марокашда чиқадиган «Марок энформасьон» газетаси Директивалар лойиҳасининг мана шу жиҳатига алоҳида эътибор бермоқда. Газета СССР «ўз снёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун курашаётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларига ёрдам кўрсатишни ўз бурчи, деб ҳисобламоқда» деган фикрни баён қилди.

Директивалар лойиҳасида Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида берилган кўрсатмаларнинг моҳиятини бузиб баён қилишга уринган ғаламис қаламкашлар ҳам Ғарб матбуотида топилиб қолди. Ленин аҳли расо кишиларнинг ҳаммаси, империалистларнинг агрессивлиги кучайиб бораётган шароитда Совет Иттифоқи ҳамиша шай бўлиб туриши ва ҳар қандай ҳарбий авантюра ишқибозларига зарба бермоқ учун замонавий восталарнинг ҳаммасига эга бўлиши лозимлигини жуда яхши тушунмоқдалар.

ДЕ ГОЛЛЬ АМЕРИКАНИ ОГОҲЛАНТИРМОҚДА

Франция президенти генерал Шарль де Голлнинг традицион матбуот конференцияси халқаро миқёсда жуда кўп фикрлар туғдирди. Журналистлар, матбуот ва радио вакилларининг йиғилишида ҳар йили йилда бир марта гапиришга одатланган президент 12 ойдан кейин ўтказиладиган парламент сайловларига тайёргарлик кампаниясини ҳақиқатда бошлаб юбормоқ учун бу учрашувдан албатта фойдаланади, деб ўйлаган эдилар. Дарҳақиқат президент ўз нутқининг анчагина қисмини ички снёсий вазиятни жуда батафсил анализ қилишга ҳамда иқтисодий ва социал соҳалардаги истиқболларни айтиб беришга бағишлади.

Лекин президент нутқида айтилган бу гаплар журналистларни унчалик қизиқтирмади. Генералнинг ташқи снёсат масалаларига доир гапларига журналистлар кўпроқ эътибор бердилар. Президентнинг бу тўғридаги гаплари асосан унинг бундан олдинги гапларида айтилган ва ҳаммага маълум бўлган позициясини тасдиқлашдангина иборат бўлса ҳам, аммо Вашингтонда ва Боннда президентнинг бу гапларини эшитиб, жуда таажжуб бўлишди.

1969 йил 4 апредлан бошлаб, яъни Шимолий Атлантика иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати тамом бўлганидан кейин Франция территориясидаги ҳар бир ажнабий элемент француз контроли остида туриши лозим бўлади, деб де Голлнинг огоҳлантириб айтган гаплари америкаликларга жуда алам қилди. Дарҳол Америка матбуоти бу гап президентнинг Франциянн НАТОдан чиқариб олиш ниятида эканлигини ва ажнабийларга Франциядан чиқиб кетишни «таклиф қилаётганлигини» кўрсатиб турибди, деб талқин қилди. Бу хусусда «Нью-Йорк геральд трибюн» бундай деб ёзади: «Президент де Голль НАТОга ўзининг ҳамма нарсасини йиғиштириб, Франциядан чиқиб кетишни таклиф қилганлигига мўътабар кишиларнинг ҳеч бири жиддий равишда шубҳаланиши мумкин эмас. НАТОнинг чиқиб кетиши учун яна уч йил бор, аммо шу нарса равшанки, НАТОнинг Франция территориясидаги жуда кўп иншоотлари хусусида, шу жумладан бу иттифоқнинг қароргоҳи тўғрисида ҳам қандайдир бошқача битимга келишга тўғри келади. Бу эса базаларни, коммуникация линияларини ва шу набиларни қимматга тушса ҳам ва қийин бўлса ҳам, бошқа жойга кўчириш керак бўлади, демакдир».

Аммо Америка газеталарининг ёзишича қараганда, база ва иншоотларнинг жойини ўзгартириш лозим бўлиб қолиши Вашингтонни унчалик ташвишлантираётгани йўқ. НАТО ҳарбий иншоотлари системасини Англия ва Голландия территорияларига кўчириш планлари Вашингтонда тузилмоқда, деган гаплар бор. Франциянинг НАТОдан чиқиб кетиб, шу блокнинг давом этишини зарба остида қолдириши мумкинлиги АҚШни кўпроқ ташвишга солмоқда.

НАТО блокида аъзо бўлиб туриш эса, французларга Вашингтоннинг ҳамма қитъаларда ва айниқса Шарқи-Жанубий Осиёда ўтказаётган снёсий йўли сабабли бошланиб кетиши мумкин бўлган бирор авантюрага аралашиб қолиш хавфидан бошқа ҳеч бир яхшилик келтирмайди.

«Вашингтон дейли ньюс» газетасининг ёзишича Американинг Вьетнам халқига қарши агрессияси тўғрисида де Голлнинг айтган гаплари Америка ҳукмронларига «очиқ ярага селинган туз» каби таъсир қилди. Маълумки, Франция президенти Вьетнам Демократик Республикаси территориясини вахшийларча бомбардимон қилишни Америка авиацияси яна бошлаб юборганлигини айниқса қаттиқ қоралади. Матбуот хабарларида айтилишича, бу хусусда Франция президенти билан АҚШ президенти Жонсон бир-бирларига «кескин хатлар» билан мурожаат қилганлар. Оқ уй Вьетнамдаги агрессив уруш сабабли АҚШнинг маънавий снёсий жиҳатдан тобора яккаланиб қолаётганлигини яна бир марта аён қилмаслик учун бу фактни жамоатчилигидан яширмоқчи бўлган эди. Шу сабабли де Голлнинг, агар Вашингтон истаса, мен шу хатларни эълон қилишга тайёрман, деб айтган гаплари Вашингтонни жуда саросимага солиб қўйди. Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Билл Мойерс хатларни эълон қилиш ҳақидаги гаплар тўғрисида дипломатияга унчалик муносиб бўлмаган жуда дағал сўзлар билан ўз фикрини айтди.

Де Голлнинг Европадаги вазият тўғрисида айтган гаплари БОННни кўпроқ ғижинтирмоқда. Ғарбий Германия раҳбарларининг снёсати иккинчи жаҳон уруши якунларини ревизия қилиш тўғрисидаги телба хаёлга асосланаётганлиги ҳаммага маълум. Улар реваншчилик руҳини авж олдирмоқ учун «Шарқдан бўладиган таҳдид» бор деган афсонани зўр бериб тарғиб қилмоқдалар. Аммо де Голль шундай хавф борлигини рад қилиб, бу билан БОНН пропагандасининг худди мана шу афсонасига қаттиқ зарба берди.

ВАШИНГТОННИНГ НАЙРАНГЛАРИ

25 февралда Панама шаҳрида Америка давлатлари ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар кенгаши очилди. Бу кенгаш ана шу ташкилот уставини ўзгартиришга доир тавсиялар лойиҳасини ишлаб чиқиши лозим. Сўнгра бу тавсиялар Америка давлатлари ташкилоти ташқи ишлар министрларининг шу йил июль ойида Буэнос Айресда ўтказилмоқчи бўлган кенгашида муҳокама қилиниши ва тасдиқланиши керак.

Лекин, матбуотнинг ёзишича, ташкилот аъзолари ўртасида келишмовчилик кучайиб кетганлиги бу масаланинг ҳал қилинишига ҳозирча тўғоноқ бўлиб турибди. Сиртдан қараганда бу келишмовчиликлар нуқул процедура масалалари устида бўлаётган тортишувлар тариқасида намоён бўлмоқда. АҚШ тавсияларни оддий кўпчилик овоз билан маъқуллаш керак, деб талаб қилмоқда. Бунинг учун эса тавсияларни ёқлаб 11 овоз берилишининг ўзи кифоя қилади. Мексика, Чили, Уругвай эса тавсияларни катта кўпчилик овоз билан, яъни ташкилот аъзоларидан учдан икки қисми берган овоз билан тасдиқлашни талаб қилдилар. Бунинг учун эса 14 овоз керак бўлади.

Аммо ҳақиқатан процедура масалаларига тааллуқли бўлган бу тортишув заминида АҚШнинг катта снёсий найранги яширинib ётибди. Вашингтон, шу тариқа маълум «Америкааро кучлар» вужудга келтириш идеясини Америка давлатлари ташкилотида маъқуллатиб олиш осонроқ бўлади, деб умид қилмоқда. Америка ҳарбийлари Латин Америкаси мамлакатларидаги ҳар қандай революцион ҳаракатларни бостирмоқ учун тузиладиган жандармлар корпусини мана шу байроқ остида ниқобламоқчилар.

Америка давлатлари ташкилоти уставининг баъзи моддалари, жумладан бошқа давлатларнинг ишларига аралашмаслик принципи тўғрисидаги моддалар Вашингтоннинг бу ёвуз ниятини амалга оширишга ҳозирги вақтда тўсқинлик қилиб турибди, Қўшма Штатлар устав ўзгартирилаётган вақтда мазкур моддаларни саклантириб, шу тариқа ўз мақсадини рўёбга чиқармоқчи бўлиб турибди.

Латин Америкаси мамлакатлари АҚШнинг бу найрангини сезиб қолишди. Масалан, Уругвай ташқи ишлар министри Савило Вашингтоннинг «хатарли ва таҳликали қурол» вужудга келтиришга қаратилган уринишларини кескин қоралади, АҚШ империалнами Америка давлатлари ташкилоти ёрдами билан мана шундай қурол яратишга уринаётганлигини кўрсатиб ўтди. Савило ярим расмий газета бўлган «Плата» газетасининг мухбирига берган ўзининг баёнотида мининг мамлакатим шундай кучлар вужудга келтириш планини қувватламайди ва Уругвай Панамадаги кенгашга юборган ўзининг делегатларига бу хусусда қатъий йўл-йўриқ берib қўйган, деди. Латин Америкасидаги бошқа баъзи мамлакатлар ҳам Америка Қўшма Штатларининг бу ёвуз ниятларига қарши чиқмоқдалар, шундай бўлса ҳам Вашингтон дипломатияси ўз планлари ва сиёсатининг манзур эмаслиги очиқ кўриниб турганлигига қарамай, тазйиқ ўтказиш, қўлни бураш тактикасини қўлланиб ўз фикрини ўтказишга уринишни давом эттиримоқда. Шу мақсад билан кейинги вақтларда Қўшма Штатлар Латин Америкаси мамлакатларида антикоммунистик ва антисовет кампанияларини авж олдира бошлади, шу тариқа Америка давлатлари ташкилотининг қайсар ва ўжар аъзоларини қўрқитиб, уларни «Америкааро кучлар» деб аталган полициячилар корпуси байроғи остига тўплашни умид қилмоқда. Бундай снёсат Латин Америкаси ва бутун дунё халқларининг газабини тобора кучайтирмоқда ва улар бу снёсатни тобора кўпроқ қоралмоқдалар.

К. БЕЛЯЕВ.
(ТАСС).

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАЛАБИ

БЕРЛИН. Халқаро Демократик хотин-қизлар федерациясининг секретариати Индонезия Президенти Сукарнога телеграмма юбориб, демократик ташкилотларни ва шу жумладан Индонезиядаги энг катта хотин-қизлар ташкилоти — Герванинн таъқиб қилиш кампаниясини тўхтатиш учун имкони бўлган ҳамма чораларни кўришни илтимос қилди.

Гервани ташкил этилган вақтдан бери хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун актив курашиб келди ҳамда Индонезия хотин-қизларини мамлакатда янги турмуш қуришга жалб этиш учун ҳамма чораларни кўрди, дейилади телеграммада. Бироқ, Халқаро Демократик хотин-қизлар федерацияси бир неча ойдан бери Гервани ташкилотидан ҳеч қандай ахборот олаётгани йўқ.
(ТАСС).

ПОЛИЦИЯ ТАШВИШГА ТУШИБ ҚОЛДИ

ПАРИЖ, 27 февраль кечаси Париж ва унинг атрофларида полиция ҳеч қачон бўлмаган катта миқёсда операция ўтказди. Полиция ва жандармериянинг Франция пойтахтига олиб боруви чи ҳамма йўлларга қўйиб қўйилган кучли наряддари Парижга бораётган ва Париждан келаётган 24 тадан ортиқ машинани текшириб кўрди. Айни вақтда ички хавфсизлик қўшинларининг махсус бўлинмалари шаҳарда кенг қўламда тинтув ўтказиб, тунги ишратхоналар ва шубҳали ишлари билан ном чиқарган бошқа муассасаларни синчиклаб «тимискилаб» кўрди.

Расмий хабарларда айтилишича, пойтахт ва унинг атрофларида жиноятчилик кўпайиб кетганлиги сабабли ана шу операцияни ўтказиш зарур бўлиб қолган.

ГАНАДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ. Франс пресс агентлигининг мухбири Аккрадан хабар беради: янги ҳукумат маъмурлари Кваме Нкрума тарафдорларидан камида 300 кишини қамоққа олдилар. Қамоққа олинганлар орасида миллитарлар ва хавфсизлик кучларининг хизматчилари, президент комиссиясининг аъзолари, «Спарк» ҳафталик газетасининг редактори Кофи Баца, «Ганиэн таймс» газетасининг бош редактори Баффо ва президентнинг конституция масалалари билан шуғулланувчи маслаҳатчиси Жеффи Бинглар бор.

ЛОМЕ. Аккра радиосининг хабарида айтилишича, «миллий озодлик кенгаши»нинг қарорига мувофиқ, Виннебадаги Кваме Нкрума номли идеология институти ёпиб қўйилган.

ЛОНДОН. Рейтер агентлиги мухбири Аккрадан хабар беради: Ганадаги ҳарбий тўнтариш раҳбарларидан бири — полковник Котокага генерал-майор унвони берилди. У, Гана армиясининг қўмондони қилиб тайинланди.

УРУГВАЙДА нарх-наво ошмоқда. Масалан, 1965 йилда энг зарур озиқ-овқатлар нархи 80 процент ошди. Иш ҳақининг емишнинг ўзига етмаслиги оқибатида кўп меҳнаткашларнинг аҳволи оғирлашди. Рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёллар қимматчиликка қарши намойишлар ўтказмоқдалар. Суратда: намойишчилар «Очарчиликка чек қўйилсин» деган плакатларни олиб бормоқдалар ва озиқ-овқат солинадиган бўш идишларни кўрсатмоқдалар.
Пренса Латина—ТАСС фотоси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

Республика областларининг радиофестивали

ҚАШҚАДАРЁ

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек музикали драмаларидан парчалар, 9.30 — Чолғу куйлари, 9.45 — Катта ўзгаришлар, (тож.), 10.10 — «Қашқадарёликлар янги марралар сари», 10.30 — Қашқадарё область музикали драма ва комедия театри артистлари ижросида концерт, 11.10 — Қашқадарё область партия комитетининг секретари А. М. Илюхин суҳбати (рус.), 11.20 — Ўзбек балетларидан рақслар, 12.15 — Спорт эшиттириши, 12.30 — Ўзбек куйлари, 13.00 — Съезд делегати Бойхон Холиқулов отарида. 13.40 — И. Штраус вальслари, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 16.15 — Қашқадарёнинг музика ҳаёти, 18.10 — Дўстлар эстрадаси, 18.30 — СССР халқлари куйлари, 19.20 — Қўшиқ ва романслар, 20.00—Қурувчи Салим Сафаров — партия XXIII съезди делегати (рус.), 20.10 — Қашқадарё область ишлаб чиқариш илғорлари талабига мувофиқ концерт, 20.45 — Меҳнатда янги ғалабалар сари, 21.20 —Қашқадарё область қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт, 22.00 — «Қашқадарёликлар партия съезди Директиваларини муҳокама қилмоқдалар», 22.15 — Концерт, 22.45 — Қашқадарё узра шеър тараланган, 23.20 — Қашқадарё область донгдор кишилари талабига мувофиқ концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Қўшиқ бизнинг дўстимиз** (мактаб ўқувчилари учун), 18.50 — **Оталар изидан** (ҳужжатли фильм), 19.10— **Қурол ўрнига ниннокамера** (телеочерк), 19.30 — **Узбекистон санъат усталари.**

Рус тилида: 20.35 — **Тошкент — тинчлик шаҳри** (ҳужжатли фильм), 21.00 — **Телевизион янгиликлар**, 21.15 —**Минутнинг юзлан бир улуши** (илмий-оммабоп фильм), 21.35 — **Ҳақиқат учун кураш** номли бадиий фильмнинг 1-серияси, фильмдан сўнг — **Эртаги кун программаси.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.05 — **Авлодлар эстафетаси** (мактаб ўқувчилари учун), 18.30 — **Тошкент янгиликлари**, 18.40 — **Қониб ич, ер!** (ҳужжатли фильм), 19.00 — **Баҳор эшик қоқади**, 19.20 — **«Аврора» матрослари** (ҳужжатли фильм), 19.30 — **Иван Рибаков** (фильм-спектакль).

Ўзбек тилида: 21.05 — **Тошкент янгиликлари**, 21.15 — **Инсон ва чўл** (телефильм), 21.35 — **Райком секретари** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/III да **Амда**, 2/III да **Майсаранинг иши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/IIIда **Қотил**, 2/III да **Мирзо Улуғбек.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 1, 2, 3, 4, 5, 6/III кеч соат 7 яримда Ўзбекистон Компартиясининг XVII съездига бағишланган **Катта байрам концертлари.** Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида Хоразм ансамблининг солистлари қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Анатолий Фурманов гастроллари** (иллюзион аттракцион). РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Владимир Довейко** раҳбарлигида акробатлар группаси ва бошқа номерлар. Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

3 март кундуз соат 5 яримда

«Петролул» (Руминия) — «Пахтакор» (Узбекистон)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

(Халқаро учрашув)

Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

1, 2 мартда

Ўзбекистон Компартиясининг XVII съездига бағишланган

КАТТА

байрам концертлари

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фахриддин Умаров, Кундуз Мирнаримова,** солистлардан **Манзура Мўминова, Сора Шукурова, Равшан Мўминова, Дилбар Абдуллаева, Уткир Холмуҳамедов** ва Ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар Эстрада театри кассасида ва райкассаларда сотилади.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1966 йил 11 март кундуз соат 2 яримда, политехника институти қурилиш факультетининг илмий совети мажлисида (Якуб Колас кўчаси, 16-уй).

Т. И. Фозилов — техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Рубероидни ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашё манбаларнинг имкониятини аниқлаш ва унинг Ўзбекистон шароитида ҳаво таъсирига чидамлилигини текшириш» деган темада.

Диссертация билан кутубхонада танишиш мумкин (Навоий кўчаси, 17-уй).

1966 йил 11 март кундуз соат 2 яримда, Тошкент политехника институти инженерлик-физика, механика ва энергетика факультетларининг бирлашган илмий совети мажлисида (Ульяновская кўчаси, 3-уй, 23-а аудитория)

А. П. Головин — техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Параметрлари бўйича ўзгарувчи узун чизиқларнинг анализи (скважинага туширилган кабелларга мувофиқ)» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Навоий кўчаси, 13-уй).

1966 йил 12 март кундуз соат 12 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимининг техника фанлари бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Якуб Колас кўчаси, 28-уй. Сув проблемалари ва гидротехника институтининг конференц-зали) техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Б. Л. Височанский: «Тог этаги зонасидаги дарёларни тош иншоотлар билан тартиблаш» деган темада.

О. С. Жаббор: «Пахта териш машинаси шпинделларини ҳаракатга келтиришда қўлланадиган винт-кулачокли планетар механизмини лойиҳалашнинг назарий асослари» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИГА

экспедиторлар, шоферлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правленеси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот давлат комитети, «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» газеталари ва «Ўзбекистон матбуоти» — «Печать Узбекистана» журнали редакцияларн «Ўзбекистон матбуоти» — «Печать Узбекистана» журналининг редактори, Ўзбекистон Журналистлар союзи правленеси президиумининг аъзоси И. Д. Уваровга онаси

Марфа Ефимовна УВАРОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Футбол ҲИСОБ 2:0

САМАРҚАНД. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали**). Дам олиш куни Самарқандда футбол шинавандалари ҳар галгиги нисбатан кўпроқ йиғилишди. Улар Руминиянинг энг кучли командаларидан бири «Петролул» билан Москва «Спартак» командаси ўртасидаги учрашувни томоша қилгани келишган эди. Матч жуда кескин ўтди. Ўйиннинг биринчи таймида «Спартак»нинг марказий ҳужумчиси Осянин меҳмонлар дарвозасига тўп киритишга муяссар бўлди. Ўйиннинг иккинчи ярмида кураш яна кескинлашиб кетди. Ҳужумга ўтган меҳмонлар қанча ҳаракат қилишмасин, яна тўп уларнинг дарвозаси олдида пайдо бўлди. Шошиб қолган меҳмонлар ўз дарвозаларига бир тўпни киритиб юбордилар. Шундай қилиб ўйин 2:0 ҳисоби билан москвалик спартакчилар фойдасига ҳал бўлди.

Бизнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26. Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Марксизм-ленинизм назарияси ни пропаганда қилиш. халқаро ҳаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, капитал қурилиши ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалик — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451 Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стено графистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор—30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

№ Г — 50. | Индекс 64543. | Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. | Р. 06194